



# MILLIY TIKLANISH

46 (54) 2009 йил 25 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz  
e-mail: milliy@sarkor.uz




**Табиат дориси**  
Мустиқлик йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасига эътибор тубдан ўзгарди. Аҳоли сони кўпайиб бораётган бир пайтда уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифага айланди. Натижада ўтган йиллар давомида жойларда замонавий даволаш муассасалари, тиббий марказлар, барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пунктлари очилди.

4-бет ←



**Ўрмон ёнгинлари**  
Шунинг учун бўлса керак, инсоният йиллар давомида ёнгинга қарши кураш воситаларини қидириш ва уни такомиллаштириш йўлида изланиб келмоқда. Аммо одамларнинг эътиборсизлиги, ёшлар қўлига турли ёнгинларни келтириб чиқарувчи воситаларнинг тушиб қолиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши жойларда ўрмон ёнгинларини келтириб чиқармоқда.

7-бет ←



**Кулоллар**  
Ўзбекистон мустиқликка эришгандан сўнг маданий соҳалар билан бир қаторда санъатнинг барча турлари ҳам юксак даражада ривожланди. Жумладан, халқ амалий санъатининг барча турлари жуда кенг тараққий этиб, маданий ҳаётда муҳим ўрин эгаллади.

8-бет ←

## МТ

БУГУНГИ  
СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ	2-бет
Сийёсий партиялар олдида турган муҳим синов	
ЎзМТДП — ТАШКИЛОТЛАРИДА	3-бет
Ёшлар фестивали	
Миллий қадрият ва анъаналаримиз	
Соғлом она, соғлом бола, соғлом келажак	
Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини юксалтириш	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Табиат дориси	
Фан фидойилари	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
"Оммавий маданият"	
Қалб сирлари	
Маданий-маърифий меросимиз	
ЖАРАЁН	6-бет
Суд-хуқуқ ислохотлари	
Саломатлик фидойилари	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Кутилмаган меҳмон	
Дунёдан дараклар	
КЎЗГУ	8-бет
Озод юртининг ёш истеъодлари	
Турфа олам	

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ



## Б П Т улардан тарғибот-ташвиқот жараёнида янада фаоллик талаб қилинади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилояти ва шаҳар кенгаши ҳамда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида шу йилнинг 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан "Муносиб номзодларни сайлалик" мавзусида семинар - тренинг ўтказилди.

Сайловларни адолат мезонлари, қонунчилик тамойиллари асосида, демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказиш фуқаролардан ўзига хос масъулият талаб этади. Бу сиёсий жараёнинг кўппартиявийлик асосида амалга оширилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Кўппартиявийлик деганда сайлов жараёнида республикада фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг иштирок этиши тушунилади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### Фракция йиғилиши

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди

Камолиддин ҲОТАМОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмухаммедов олиб борди. Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилиши назарда тутилган масалалар кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари томонидан дастлаб, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгилаштирувчи барча ҳолатлардан фақатгина айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиб ўчун фаол ёрдам бериш ҳамда етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари билан ажралиб туради. Қолган ҳолатларда эса жиноят содир этилгунга қадар ёки уни содир этиш пайтида юзага келади ва айбдорнинг кейинги ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди.

Айбдорнинг пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намойён қилиши ўз қилмишининг гайриқонунийлигини англаганлиги ва жазо олишга тайёр эканлигидан далolat беради. Лекин амалдаги қонунда қайд этилган енгилаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида енгилаш жазо тайинлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ва жазонинг аниқ чегараси белгиланмаганлиги учун айбдор пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намойён этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфатдор эмас эди.

Халқро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намойён этган айбдор шахсларга тайинланган жазонинг юқори чегараси белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

## ОГОҲЛИК

«Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак».

Ислом КАРИМОВ

XXI асрда маълум манфаатларга хизмат қиладиган ахборотлар оқими турли миллатларнинг миллий маънавиятига таъсир этаётган бир пайтда бунга нисбатан лоқайд, бепарқ бўлмаслик талаб этилади. Мутахассисларнинг фикрича, айниқса "уддабурон ахборотчилар" турли кўринишлар орқали одамлар кўнглига йўл топиш, онгини ўзгартиришга уринаётган бир пайтда, инсонийлик фазилатларига зид бўлган "оммавий маданият"га қарши курашишда миллий адабиётимиз, санъатимизнинг ўрни беқийёсдир. Улар ҳаммиса гоёя қарши гоёя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат шаклида май-

донга чиққан. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз "оммавий маданият"нинг асл негизи, унга қарши курашишда миллий адабиёт ва санъатнинг ўрни ва роли ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш мақсадида соҳа вакилларига мурожаат этдик.

ЧИРОЙЛИО, ФОЙДАСИ ЙЎҚ!

Муҳаммаджон Куронов, Миллий гоёя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи:  
- Юртбошимизнинг юқорида келтирилган фикрларида «оммавий мада-

## "Оммавий маданият"

унга қарши курашда миллий адабиёт ва санъат асосий воситадир

ния"нинг энг муқаммал, умуминсоний таърифи бор. Эътибор беринг: «Четдан», «биз учун мутлақо ёт», «маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган» кўштирноқ ичидаги маданият ёпирилиб кириб келиши мумкин. Яъни «оммавий маданият» бу - бизга четдан кириб келаятган, ўзбекиона қадриятларимизга мутлақо ёт, маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси, десак муболага бўлмайди.

Разм солсак, «оммавий маданият»ни тарғиб этувчилар бизнинг энг муҳим эҳтиёжларимизни эгаллаб олишга уринаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, эстетик, маданий эҳтиёжларимиз шулар жумласидандир. Президентимизнинг юқорида келтирилган огоҳлантирувчи фикрлари футболкалардаги ёзув, суратлар, дисплей, экран,

аудиоплеерлар, суҳбатлар, китоб, газета ва журналлардан бизга ёғилаётган балолар устидаги пардани олиб ташлади. Энди биз илгаригидек: «Ҳа, энди ёшлар бошқача-да. Қўверинг, ўйнаб кўлсин. Вақти соати келиб босилиб қолар. Ўзимизга қайтар. Қаёққа ҳам борарди», десак бўлмас. Албатта, бу бепарқликни, масъулиятни зиммамиздан соқит қилишни англалади.

Дастурхонимизга қаранг, Гибрид (ясама) бемаза олмапар ўзимизнинг ширин, ҳақиқий Бахмал олмапарини сиқиб чиқармоқчи. Айримлари дастурхонимиз тўрига чиқиб олди. Таъми сувдай, чиройлию, фойдаси йўқ.

Аслида, «оммавий маданият»нинг ўзбеклар онги ва қалбига таъовузи анча олдин бошланган. «Шум бола» фильмини эслайлик.

(Давоми 5-бетда)

**Диққат обуна!**  
**«Milliy tiklanish»**  
газетасига 2010 йил учун  
обуна давом этмоқда.  
Обуна барча алоқа  
бўлимларида қабул  
қилинмоқда.  
Индекс: 158

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

### БПТ жараёнида янада фаоллик талаб қилинади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай экан, ЎзМТДП ҳам том маънода ўз электорати орасига чуқур кириб бориши, уларнинг хошиш – истаклари ҳамда манфаатининг давлат ва жамият бошқарувида акс этишини таъминлаши зарур эканлиги семинар-тренингда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Лутфулла Мамасолиев, СамДУ профессори Фарход Набиев, доцентлар Бўстон Исломов, Шарофат Тухлиева, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Турсун Сафаров ва бошқалар фикр-мулоҳазаларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, сайловларнинг юксак савияда ўтиши, муносиб номзодларга овоз бериш сайловчиларнинг фаоллиги ва иродасига боғлиқлиги, бунинг учун партиянинг барча куйи ташкилотларида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, сайлов участкаларига бириктирилган масъулларнинг фаоллигини ошириш, фаолларни сайлов қонунчилигига қиритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалардан тўлиқ хабардор қилиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси университет бошланғич ташкилоти фаолиятига алоҳида эътибор

қаратилди. Таъкидландики, олий ўқув юрти раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида ёшларда миллий ва маънавий кадриятларимиз ва урф-одатларимизга садоқат туйғусини кучайтириш, ушбу аъёнлар асосида улар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром тушунчаларини сингдириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларга таниқли ва кучли илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар, иқтидорли талабаларни жалб этилиши яхши самара бермоқда. Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотига бирлашган 50 га яқин профессор-ўқитувчи, 100 дан зиёд талаба партиянинг фаол аъзолари ҳисобланади. Улар орасида фан докторлари, фан номзодлари, доцентлар, иқтидорли талабалар, республика ва университетнинг атоқли степендиари совриндорлари бор. Олийгоҳ ректори, профессор Темир Ширинов, физика-математика фанлари доктори, профессор Облоқул Қувондиқов, Хотин-қизлар кенгаши раиси, доцент Шарофат Тухлиева, академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўйича проректор Бўстон Исломов, иқтисодиёт факультети декани, доцент Самариддин Алиқулов, табиий фанлар факультети декани ўринбосари, доцент Зебо Раҳмонова, ҳуқуқшунос олима Шаҳрибону Ҳамраева,

математик олим Расул Мардиев, физик олимлар Тўйчи Тошбоев, Эшқувват Арзиқулов, атоқли степендия совриндори Мухлиса Мутафоева, аълочи ва ташаббускор талаба Кристина Дубровская шулар жумласидандир.

Жорий йил ЎзМТДП Марказий Кенгашининг тадбирлар режасига асосан университетда ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Ахтам Турсунов, Эркин Юсупов, Абдил Тўхташев, Зоҳидилла Мунавваров, Улғубек Жалмонов, Арслон Эшмуродовларнинг иштироки жамоада сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳитнинг янада яхшиланишида, партия сафининг сифат жиҳатидан мустаҳкамланишида, аъзолар сони эса маънавий-ахлоқий баркамол, эътиқоди собит ёшлар ҳисобига оширишда катта аҳамият касб этди. Бу учрашувларда айниқса, Президентимиз Исрол Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари», «Юксак маънавият — энгилмас куч» каби асарлари юзасидан ёшларга кенг тушунчалар берилди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаолияти доираси олий ўқув юртини ҳам қамраб олмақда. Мазкур партия



бўғинлари профессор-ўқитувчилар ва талабаларни турли маънавий-маърифий анжуманлар, илмий ишлар танловлари, илмий конференция ва семинарлар, илмий-ижодий клублар ташкил этиш ишларига жалб этмоқда. Мисол учун, шу йилнинг ўзида БПТ аъзолари Самарқанд шаҳрида мустақилликнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Баркамол ёшлар – обод Ватан асарлари» мавзусидаги ёшлар форумида, Ургут туманида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан бўлиб ўтган «Мустақиллик инсон манфаати ва эркинлигини

таъминлашининг асоси», Қўшработ туманида «Қишлоқ тараққиёти – юрт истиқболи» мавзусидаги тадбирларда, шаҳар маҳаллаларида ўтказилган «Сайловлар – демократия кўзгуси ва унда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбатларида фаол иштирок этишди.

Партия вилоят ва шаҳар кенгашилари томонидан ҳам БПТга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Жумладан, партия вилоят кенгаши аъзоларининг ёрдами ва ташаббуслари билан 2009 йилда СамДУда ўтказилган илмий-амалий конференцияда маърузалари «Энг яхши илмий натижа» деб топилган

профессор-ўқитувчи ва талабалардан саккиз нафарига партиянинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари яна бир жиҳат – университет бошланғич партия ташкилоти аъзолари мамлакатимизда бўлиб ўтаётган сайловларда сайловчи сифатида ҳам, сиёсий тадбирнинг ташкилотчиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам, ўз вақтларида овоз берадиган электоратни шакллантира оладиган илгор сиёсий куч сифатида ҳам ўзига хос ўрн тутуши лозимлигига эътибор қаратди.

Бунга албатта, партиянинг

буюк ажодларимиз меросини тиклаш, илдизи минг-миг йилларга етиб борувчи улғу, табарруқ аъёнларимиз, миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва шу олижаноб туйғулари юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг онги-шуурига, қолаверса, қалбига чуқур сингдириш каби дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш орқалигина эришилади.

**Абдусамад МАМАЮСУПОВ,**  
**Самарқанд Давлат университети илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### Фракция йиғилиши

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳасида айбдор амалда пушаймон бўлганда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигида энгилроқ жазо тайинлашнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш мақсадида жиноят қонунчилигига бундай ҳолатларда ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган муддат ва миқдордаги жазо тайинлашнинг назарда тутилган. Депутатлар лойиҳада киритилган норма ижтимоий ҳаётга юқори бўлган, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслигини алоҳида таъкидладилар. Хулоса қилиб айтганда мазкур қонун лойиҳасида белгиланаётган вазифаларнинг асосий мақсади жиноятларнинг тезда фож этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидириши ва ушланishi, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилиши ҳамда айб-

дор пушаймонлиқни фаол ҳаракати орқали намён этганда манфаатдорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки ҳар қандай қонун миллат ва жамият тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли фракция аъзолари қонун лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлишига интилоқда.

Шунингдек йиғилишда, «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Бундан ташқари кун тартибидан жой олган «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

## ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан Жиззах шаҳрида ташкил этилган экология боғи аҳолининг сеvimли маскани бўлиб қолди.

### Таъсирчанлик асосий мезон

Пардабой ТОЖИБОЕВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Шаҳарда экологик мувоzanатни тиклаш, табиатни муҳофаза қилишда бу боғнинг ўрни катта, дейди партиянинг вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Абдурахим Султонов. - Сир эмас, транспорт воситалари, sanoat корхоналарининг чиқиндилари табиатни ифлос-лантиришга сезиларли «ҳисса» қўшади. Партия сафидаги ёшларимиз бу каби салбий таъсирларни бартараф этишга кўмак бериш учун бу боғни барпо этдилар. Богга табиатни ҳимоя қилиш хусусиятига эга мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказдилар.

Ўтган «Ёшлар йили»да шаҳар марказида «Ёшлар хиёбони» барпо этган кенг жамоатчилик ташаббусига бошланғич партия ташкилоти фаоллари бош-қош бўлган эдилар. Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда уларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Партия фаоллари, депутатлик гуруҳлари вилоят, шаҳар ва қишлоқларни обод ва кўркем этишда кўплаб таклифлар билан чиқмоқда. Жумладан, уларнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида чўл худудларидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, 9 қаватли бинолардаги лифтларни узлуксиз ишлатиш бўйича саъй-ҳаракатлари ўз самарасини

бермоқда. Партия депутатлик гуруҳлари, «Ёшлар қаноти», «Аёллар қаноти» фаолларининг амалий ишлари тўғрисида эришилган ютуқлар мустаҳкамланмоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг омма ўртасида нуфузи ошаётганини юқоридаги мисоллардан ҳам билса бўлади.

Айни кунларда партиянинг вилоят кенгаши бутун диққат эътиборини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашига бўладиган сайловни юқори даражада ўтказишга қаратиб, партиядошларимиз, шунингдек, аҳоли, сайловда илк бор иштирок этиётган ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга бағишланган ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ўтказмоқда.

## САРҲИСОБ

Охирлаб қолган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов сиёсий партияларга катта масъулият юклаши билан бирга, улар фаолиятини ҳолис сарҳисоб қилишга хизмат қилади.

Алишер РАҲМОНОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Хусусан, ЎзМТДП Сарийосиё туман кенгаши Ижроия кўмитаси фаолияти ҳақида фикр юритар эканмиз, ўтган давр ичида партия ҳаётига тааллуқли бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Маълумотларга кўра мазкур партия туман кенгашида 36 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, 2142 нафар аъзони атрофида бирлаштирган. Партия туман ташкилоти фаолиятини жонлантириш, партия фаоллари ҳамда аъзоларнинг ҳамкорлигини янада яхшилашга қаратилган ишларни эътироф этса арзийди. Туман кенгаши сафига бирлашган аъзолар ҳамжихатлик, фидойилик, ташаббускорлиқни шир деб билиб, Ватан тараққиёти, юрт истиқболи, миллат раванки йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Кўз очиб юмгунча 5 йиллик фаолиятимиз ортда қолди. Ўтган даврда халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят кенгашларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимиз билан бирга партия туман ташкилоти юрт раванки, ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Беш йиллик ҳисобот даврида кўпгина тадбирларни амалга оширдик. Депутатларимиз

## МУЛОҚОТ

### «Глобаллашув ва мафкуравий-маънавий таҳдид»

Маннон ОТАБОЙ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгашининг Бухоро солиқ касб-хунар коллежида ўтказган тадбири ана шундай номланди. Унда ЎзМТДП шаҳар кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, Бухоро озиқ-овқат ва энгил sanoat технология институтини ҳамда коллеж ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Тадбирни оған коллеж де-

ректори Б.Зайниддинов бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий соҳасида вужудга келаётган долзарб вазифалар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли гоа ва мафкуралар таъсиридан сақлаш масалалари ҳақида га-чирар экан, бу борадаги муаммолар, уларнинг ечимини излаб топишда Юрбтобимиз-

### Сиёсий партиялар олдида турган муҳим синов

регламент бўйича ўтказган учрашувларида сайловчилар талаб ва истакларини чуқур ўрганиб, уларга амалий ёрдам беришга интилдилар. Хусусан, олиқ чекка қишлоқларга чора, аҳолини ўйлантираётган муаммолар ўрганилди, ечимини топишга оид чора-тадбирлар қўрилди, дейди ЎзМТДП Сарийосиё туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ойдин Жўрабекова. - Режаларимиз жуда кўп, ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Партиянинг Устави талаблари даражасида ишимизни ташкил қилиб, Дастуриимизни ҳаётга татбиқ этиш, мақсад ва гоаяларимизни кенг халқ оммасига тарғиб қилиш учун янада кўпроқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, оммавий-сиёсий, бадий, кўргазмали тадбирлар ташкил қилишимиз, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали йўлларини қўлашимиз керак. Депутатлик мансаб эмас, балки катта масъулият деганидир. Шу боис, бу йилги сайловларда юксак масъулиятни виждон амри деб ҳисоблайдиган фидойи партия аъзоларимизни сайлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Дарҳақиқат, етакчининг таъкидлашича депутатлар ёрдамида баъзи бир худудий муаммолар ўз вақтида ечимини топган. Айниқса, депутатлар партиянинг тумандаги кам таъминланган оилалар ва ногиронларга муруват ёрдами кўрсатиш, қолаверса турли хил тадбирларни ташкил этишдаги ишларида ҳомийлик қилишмоқда. Ёшларимизни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда мустақилликни, халқнинг кадриятлари, аъёнларини

ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашдек вазифалар ЎзМТДП Дастуридан жой олган. Ана шу мақсадда, партия туман ташкилоти тумандаги барча таълим масканларида суд-хуқуқ идоралари вакиллари, жамоатчилик фаоллари, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари иштирокида тез-тез учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил қилиб келяпти. Энг асосийси «Мустақиллик-ёшлар нигоҳида», «Гийёхандлик — аср вабоси», «Одам савдосига қарши курашайлик», «Келажагимиз ўз қўлимизда», «Оила-жамият таянчи» каби мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари, қизиқарли тадбирлар ва спорт мусобақалари партиянинг сафига анги аъзолар қабул қилишда асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, ўтган вақт ичида «Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди», «Ёшлари билимдон юрт — қудратли бўлур» номли ёшлар форумлари ҳам ўтказилди. Шу ўринда партия туман кенгашининг юқорида номи тилга олинган тадбирларини самарали ва юқори савияда ташкил этилишини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлари Ойниса Ражабова, Сурайё Раҳмонова, Тўлқун Мирзаев ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этса арзийди.

Келгусида партия сафига бирлашган аъзоларни сон ва сифат жиҳатидан янада мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида йирик форумлар, ноанъанавий усулдаги тадбирлар ўтказишни кенг йўлга қўйиш партия ташкилотининг асосий вазифалари қаторидан ўрин олган.

нинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари муҳим манбаа эканлигини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, сиёсатшунослик фанлари номзоди, доцент Ф.Вафоев «Глобаллашув ва миллий кадриятлар», халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати А.Низомов «Глобаллашувнинг иқтисодий томонлари ва «Ўзбек модели»нинг маънавий асослари», ин-ститут ўқитувчиси Ш.Тимирмов «Миллий гуруҳ ва ёшлар маънавиятини шакллантириш», ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов «Глобаллашув ва мафкуравий-маънавий таҳдид» ҳамда коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари У.Очилов «Ёшларда маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мафкура-

вий иммунитетни шакллантириш масалалари» каби мавзуларда маъруза қилдилар. 400 нафардан иборат иштирокчилар учун тадбирнинг асосий қисмидаги таъминлаш мақсадида ҳар бир маърузадан сўнг мавзу юзасидан маъруза-лар ташкил этилди. Ҳаётда турли алдовларга учиб, ёт гоаялар таъсирини тушиб қолган айрим юртдошларимиз қисмати ҳақида ҳаётий мисоллар келтирилди.

Эркин мулоқот, ўзаро савол-жавоблар ёшларга маърузаларда кўтарилган масалалардан тўғри хулоса чиқариш имконини берди. Кўп асрлик урф-одат ва аъёнларимиз ҳамда миллий кадриятларимизга содиқлик ҳаётимизда нечоғлик муҳимлиги яна бир қарра ёшларга ўқтирилди.



# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

**Муствақиллик йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасига эътибор тубдан ўзгарди. Аҳоли сони кўпайиб бораётган бир пайтда уларнинг саломатлигини муствақамлаш муҳим вазифага айланди. Натижада ўтган йиллар давомида жойларда замонавий даволаш муассасалари, тиббий марказлар, барча қўлайликларга эга қишлоқ врачлик пунктлари очилди. Дорихоналаримизнинг шинам қийфасию салоҳияти, хизмат маданияти ҳам чакки эмас. Бир сўз билан айтганда, ислохотлар тиббиётчилар меҳнатини қадр топишига муствақам замин яратди.**

### Беҳбуд БОТИРОВ

Юртимизда дори воситалари сифатини кафолатлашга қаратилган бир қанча зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ресурслари бир тизимга келтириш ва ҳамкорликдаги ҳаракатлар дори воситалари сифатини таъминлашнинг самарали концепциясини шакллантиришга имконият яратди. Муствақилликнинг илк йилларида ташкил этилган "Ўзфарманоат" давлат акциядорлик концерни таркибда дастлаб тўртта ишлаб чиқариш ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасаси фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони йигирмадан ортди. Ишлаб чиқариш ташкилоти ва илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон ва тиббий воситалар тури ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Агар 1993 йил 81 номдаги тиббий воситалар ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 400 дан ошди.

### Хўш, юртимизда МАҲАЛЛИЙ ДОРИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ҚАНДАЙ?



Айни пайтда дунё давлатлари табиий йўсинда олинган дориларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, фармацевтика инсон тани сифатлигини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ундан нафақат одамлар шифо топади, шу билан бирга давлатлар ҳам катта даромад кўради. Мамлакатимиз жўрофик жиҳатдан қўлай ҳудудда жойлашган бўлиб, бизда нафақат пахта, ғалла, нефть, балки ўсимлик дунёси ҳам ниҳоятда бой. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, она табиатида бугунги кунда 5 мингга яқин ўсимликлар ўсаётган бўлса, шунинг 200 хили табиатда ишлатилади. Хорижий мутахассислар бизда кўёш,

ўзига хос тупроқ ва сувдан озикланаётган ўсимликлардан тайёрланаётган дорилар оригиналлик хусусияти билан ажралиб туришини айтишади. Маълумки, республикамизда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш мақсадида турли кўргазма ва тадбирлар ўтказилиб турилади. Яқинда пойтахтимизда 5-халқаро фармацевтика кўргазмаси ташкил этилгани ҳам сўзимиз исботидир. Унда 30 дан ортик маҳаллий ва хорижий фармацевтика бозорлари фаолият олиб бораётган кўшма корхоналар ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Шулардан бири Ҳиндистоннинг "Шрей Нютрасьютикалз энд Хербалз Пвт. Лтд" хорижий фирмаси бўлиб, мазкур корхона Ўзбекистонда 2,5 йилдан буён фаолият олиб бормоқда.

Мазкур кўргазма мен учун юбилей тадбир. Унда 10-мартга қатнашимиз, дейди фирманинг етакчи мутахассиси Мунира Абдурахмонова. — Одамлар ҳақиқатан янгиликка интилувчан. Қайсики, янги дорини кўришса, албатта, унинг хусусиятини,

бу ерда харидор икки муҳим жиҳатга эътибор қаратиши лозим. Яъни, доридаги пин кодларни ҳеч қандай қўймайди. Демак, пин кодга аҳамият бериш шарт. Қолаверса, одамлар аптекадан дори харид қилаётганда ҳар бирининг сертификатини сўраши лозим.

Кўргазма давомида, шунингдек, "Кетгут-Силк" акциядорлик жамияти томонидан тайёрланган жаррохлик чоклари материаллари ҳам эътиборимизни тортиди.

Кетгутлар кўй ичагидан тайёрланади, дейди жамият раиси ўринбосари Сайёра Усмонова. — Боисики, кўй ичаги одам терисига ўхшашлиги туфайли тикилган чок тез орада битиб, умуман билинмайди. Бизнинг Кетгутлар Марказий Осиёда янада бўлганлиги учун барча жаррохлик амалиёти учун зарур маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам харидорғир. Корхона кичкина, аммо маҳсулотларга талаб юқори.

2009 йил январь ҳолатига

## Табиат дориси

Фармацевтика янги асрда энг илғор соҳалардан бирига айланди. Мутахассислар асосий эътиборни сифатли ва самарали ишлаш, маҳаллий хомашёдан жаҳон андозалари талабларига мос дори-дармон ишлаб чиқаришга қаратишмоқда

кўра, мамлакатимизда 5500 дан зиёд дорилар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 816 номдагиси 106 та маҳаллий корхонада ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг

маҳсулотлар ишлаб чиқараётган етакчи корхоналардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган дори идишлари металл қопламадан ташқари «ЖЛ» химоя белгиси мавжуд бўлган пластмасса қопқоқлар билан ҳам беркилади. Бу технологияни ўзлаштиришнинг амалда имконияти йўқ. Бундан ташқари, дори воситаларини капсула ҳолатида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Негаки, қалбаки дори ишлаб чиқарувчиларга бу усулдан фойдаланиш жуда қimmatга тушади. Шунингдек, қадоқлаш билан шуғулланувчи ҳар бир ходим ўзи тайёрлаган ўрамга махсус рақамлар битилган муҳрини кўяди.

### КИММАТ ДОРИ СИФАТЛИМИ?

Афсуски, сифатсиз, қалбакилаштирилган, яроққилик мuddати ўтган дори воситаларининг ҳам кириб келиши, "қора бозорлар" ва дорихоналарда сотилиши, даволаш муассасаларида қўлланилиши ҳолатлари кузатиланаётгани ачинарли ҳол. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё фармацевтика бозорида қўлланилаётган антибиотик дори-ларнинг қарийб 40 фоизини қалбаки маҳсулотлар ташкил этади. Бу эса хасталикни тuzатиш ўрнига инсон саломатлигига жиддий зарар етказаяди. Шу бундан, бундай маҳсулотлар савдосига қарши курашиш тизимини тақомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини муҳофазалаш, фармацевтика бозорини сифатли ва самарали дори-дармонлар билан тўлдириш, бундай маҳсулотлар сифатини назорат қилишнинг мукамал тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу

йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат қилувчи тузилмалар билан ҳамкорликда кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Қалбаки тиббий маҳсулотлар муомаласа қилишининг олдини олиш бўйича махсус чора-тадбирлар ре-

**"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан мақсад Ўзбекистоннинг ички бозорида контрафакт маҳсулотларнинг тарқалишига барҳам бериш, аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун қўшимча шароит яратиш, шунингдек, дори воситалари миллий ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.**

жаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 2009 йил 1 апрель ҳолатида 5434 та ҳужайла юритувчи субъектларга фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар берилган бўлиб, шундан 107 таси дори воситалари ва тиббий бўюмларни ишлаб чиқарувчилар, 258 таси улгуржи савдо қилувчилар, 4716 тасини хусусий дорихоналар ташкил этган. Афсуски улар ичида қалбаки ва яроқсиз дориларни тарқатаётганлари ҳам учраб турибди. Таассуфлар бўлсинки, жаҳон фармацевтика бозорида тобора урчиб бораётган бундай нохуш ҳолатлар бизга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Маълумотларга кўра, 2008 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган текширувларда 6183 та қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилган.

Уларнинг 4471 тасида тегишли сифат сертификати бўлмаган, 1257 тасида республика ҳудудида сотишга рухсат этилмаган, 261 та қалбакилаштирилган ва 138 та ҳолда истеъмол мuddати ўтган дори воситалари сотилаётгани аниқланган.

Яна бир муаммо: ҳозирги кунда шамоллаш, бош оғриғи, грипп ва тумовга қарши дори воситаларининг тури ва номлари шу қадар кўпайиб кетдики, қайси бири кўпроқ фойдали эканлигини ҳам билолмай қоляпмиз. Шунинг учун ҳам одамлар шифокор тавсиясига кўра эмас, балки телевидение рекламасига қараб дори харид қилаётганлари кўпчилигига маълум. Аҳолига сотилаётган дори воситалари сифати, уларнинг истеъмол учун қай даражада яроқли ёки яроқсизлиги устида гап бормудек бўлса, бу ўринда энди, уйла-ниб баҳо беришга тўғри кел-

жиддий ташвиш уйғотади. Маълумки, истеъмолдаги дориларнинг кўпчилиги хорижда ишлаб чиқарилган бўлади. Ўзимизда тайёрланаётган ёхуд хориж фармацевт корхоналари билан ҳамкорликда чиқарилаётган дори-лар тури ҳам кўп. Бироқ улар номидан, уларнинг маҳсулоти этикеткалари билан қалбаки дориларни тайёрлаб тарқатаётган мини цехлар ва шунингдек, қўлбола дори тайёрловчилар ҳам бор, десак муболага бўлмайди. Улар юрак хуружига, қанд касаллиги, бош ва қорин оғриқлари, шунга ўхшаш кўп учрайдиган касалликларга қарши ишлатиладиган оммавий дори воситалари бўлиши ҳам мумкин. Лекин аслида, авра-си бошқоқ астари бошқа деганларидек, улар қаердадир ноқонуний ишлаб чиқарилган, дорилар қадоғидидаги этикеткаларгагина эга, холос. Қолаверса, чорбозорчининг сумкасида ётавериб ёки қўлдан қўлга ўтавериб, ўз мuddати ва хусусиятини йўқотган дорилар ҳам росмана дорилар қаторида бемалол пулланмоқда.

Қачонки, организм ўз кучи билан муайян бир касалликни бартараф этишга қодир бўлмаса, у ҳолда дори воситаси билан унга кўмаклашиш керак, дейди шифокор Феруза Абдурахимова. — Кейинги пайтларда айрим дориларни, улар тегишли касалликни бартараф этадими-йўқми, истеъмол қилишга даъват қилувчи рекламалар ҳам кўпайиб кетаяпти. Боз устига, реклама орқали бундай «тавсияларнинг» кўпича мутахассис бўлмаган кишилар томонидан берилётганини қандай тушуниш мумкин? Дори воситалари рекламаси билан шуғулланаётганлар аҳолининг тиббий маърифатлиги, савдо-хонлиги даражасини эътиборга олган ҳолда рекламалар тайёрлаш ва намойиш қилиш лозимлигини яхши билишади. Аммо, уларни бу мезонга ҳар доим ҳам риоя қилишади, деб бўлмайди.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳурматли газетхон! Инсон ҳаёти — энг бебаҳо неъмат. Бобокалонимиз Ал-Бухорий "Одамзод ҳаёти давомида кўпича икки нарса — вақт ва соғлиқнинг қадрига етмайди", деган эди. Дори маҳсулотларининг истеъмолчиси — сайёрамизда йилдан-йилга кўпайиб бораётган инсонлардир. Демак, унинг сифати бевосита жамият бойлиги — аҳоли саломатлигига таъсир қилади. Бундай таъсирлар фақат ижобий бўлишини истаб қоладик. Мақолада келтирилган мутахассис фикр-мулоҳазаларидан асосий мақсад дорихоналаримизда сотилаётган шифо воситаларининг сифатини яхшилаш, аҳолига қўлайлик яратиш ҳамда юртимиз фармацевтика соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган бир тажриб, деб қабул қиласиз.

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими юбилей муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мазкур бўлимнинг узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиз ва қўшни давлатларни юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, кўплай илмий-тадқиқот муассасаларини шакллантиришдаги ҳиссаси, олийгоҳлар учун илмий жиҳатдан таянч маскани бўлиб келаётгани, ўтган йиллар давомида босиб ўтган йўли сарҳисоб қилинди.

Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Караматдин

Абдужалиев очди ва олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон

## Фан фидойилари

бўлими президиуми раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нагмет Аимбетов қорақалпоқ илм-фанининг тамал тошини қўйган ва бугунги юксак даражага кўтарилишига йўл очиб берган атоқли олимлар Н.Давқораяев, Қ.Аимбетов, О.Кожуров, К.Убайдуллаев, шунингдек ўз билими, куч-ғайратини фан ривожига бағишлаган Я.Досумов, Ж.Оринбаев, Д.Наси-

ров, Н.Жапақов, С.Камалов, Р.Қосбергенов, Қ.Мақсетов, Ч.Абдиқиров, Т.Ешанов, Е.Дауенов каби марҳум маърифатпарвар олимларнинг муборак номларини миннатдорлик билан тилга олди. Юбилей тантанасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице президенти, академик Т.Орипов ва бошқалар ярим асрлик тарихи давомида илму

маърифат бешиги сифатида мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлиминин юбилей билан самимий кутладилар. Юбилей муносабати билан тақдирланган бўлимнинг 50 нафар ходимига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фахрий ёрлиги топширилди. Шунингдек, Ўз Фанинг бўлимга ҳар жиҳатдан кўмак бериш ҳақида Ҳайъат қарори ўқиб эшиттирилди.

Тадбирда илмий муассасалар, олий ўқув юртлири, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур илм масканини муборак байрами

билан табриқладилар. Ўз ФА Қорақалпоғистон бўлимига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши табриги ва эсдалик совғалари топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси ўринбосари Валижон Реимов юбилей муносабати билан тақдирланган бир қатор бўлим ходимларига юксак мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар топширди. Тантанали маросим дилрабо куй-қўшиқ, жозибали рақслар билан уланиб кетди.

**И.ДИЛЬМАНОВ,**  
«Milliy tikanish» мухбири

# МАЪНАВИЯТ

**АГОҲЛИК**

## "Оммавий маданият"

### унга қарши курашда миллий адабиёт ва санъат асосий воситадир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда бир европалик Тошкентга келиб, ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига «ойнаи ҳақон»идан яланғоч аёл суратини кўрсатади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттиришаётгандир эҳтимол. Бу ишни индустрияга айлантиришди. Унинг номини «оммавий маданият», яъни ҳамма кўриб, пул тўлайдиган, инстинкларни уйғотувчи, ҳаммабоп, ҳаммага тўшунарли маданият деб аташди.



Баҳодир Аҳмедов режиссёрлигидаги «Қалдирғочлар яна қайтади» фильмидан лавҳа.

Ҳўш, ҳозирчи? Бунга яна бир мисол келтириш орқали жавоб берсак. Дунёдаги энг машҳур кўғирчоқ - Барби 2009 йил 50 ёшга кирди. 1959 йил 9 март куни Барби Нью Йоркдаги болалар дўконига савдога чиқарилди. У негандир биринчи қадамлариданоқ қоқилди. Сотувчилар уни сотишдан бош тортишди. Нега деганда у бола эмас эди. У ўзида балоғат ёшидаги аёл жисмида барча бўртиб турадиган, эркаларнинг шахвоний хисларини жунбушга келтирувчи ёш аёл сиймосини гавдалантирган эди. Барби мода индустрияси, шоу бизнес, гламур, аёл танасига сийгиниш, косметика, пластик хирургия, фитнеснинг рамизи ва моторига айланди.

Илгари қизалоқлар кўғирчоқларни овқатлантириб, йўрғаклаб, бешикка солиб тебратиб, оналик ролини ўйнаб келган. Лекин Барби бунга кўнмас эди. У билан боладек ўйнаб бўлмас эди. У чақалок, гўдак эмас, балоғатга етган, дуркун аёл эди. Уни эркалашар, ўпишар, сийгалашар, севвишар эди. Ана шунда 50-йилларнинг гўдак қизалоқлари бир сирини кашф қилишди: демак, севимли бўлиш учун Барбига ўхшаш керак! Барбидек кўриниш, ҳамма нарсаи унингдек кўрсатиш керак экан!.. Шундай қилиб, бу «ялмоқс кўғирчоқ» қизалоқлардан бегубор, маъсум болалигини тортиб олди. Уларни хайратга тўла, содда эртақлар олампидан жудо этди. Бунинг ўрнига ахлоқий тубанликдан кўрғазмалик дарс ўтди. Болаларнинг бир кўлини - ота-боболаридан қолган миллий маънавият, иккинчи кўлини «озод севги» тортиди. «Озод севги» энгиз чикди. Ундан кўп балолар турғиди. Тўнғичи - ОИТС, ўртанчаси - гомосексуализм, кенжаси эса - «оммавий маданият».

Жамият ҳар доим ўзидан кейин келадиған авлодлар тарбиясига масъулдир. Адабиёт ана шу масъулиятни бутун залвори билан ўз зиммасига олади. У ҳаётнинг ой-наси сифатида ҳар бир инсонга ўзини, маънавий кифёсини кўриш имконини беради. Бунинг натижасида икки томонлама таъсир пайдо бўлади. Асар муаллифи кўзда тутилган баъдий гоғлар образлар воситасида ўз ифодасини топса, уни ўқий жараёнида адибнинг дунёқараши воситасида яратилган янги баъдий олам китобхон томонидан идрок этилади. Иккинчидан, эса шу ҳаёт билан ўз тасаввурини қиёслайдди. Натижада ўз-ўзидан янги бир ҳулоса шақлланади. Албатта, ушбу вазиятда адибнинг

гини бевосита кўриш имконига эга бўлаемиз. Биринчи навбатда, у инсонга дунёни англаш имконини берса, иккинчидан, инсон руҳиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Демак, бу жараёнда биз адабиётни бевосита миллат тарбиячиси деб аташимиз мумкин. Аслида ҳам «адабиёт» сўзининг ўзаги «адаб», яъни «одоб-ахлоқ»дир. Бугунги мафкуравий таҳдидлар авж олган пайтда биз адабиётни маънавий иммунитетимизни оширувчи малҳам, хастиликка шифо бериучи дори деб билмоғимиз ҳолис. Шунинг учун ҳам қадимдан халқимизда адабий жағраёларга нисбатан мутлақо бефарқлик, лоқайдлик мавжуд бўлган эмас. Адабиётга ҳар доим ҳам жуда зийраклик билан қаралган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит-турк» асари орқали етиб келган мақоллардан бирини «Ардам баши - тил», дейилади. Бунинг маъноси - ҳар қандай хунар, фазилат, санъатнинг бошланғичи тилдандир, дегани. Мақол замиридан келиб чиқиб, ота-боболаримиз сўзининг кудратини чуқур англаганларини ҳис қилаемиз. ХИ асрдаёқ Маҳмуд Қошғарий элимиз сузлашувда мавжуд бўлган икки юзга яқин мақолни кўлланиш ўрнига ҳақ кўрсатиб берган.

Жамият ҳар доим ўзидан кейин келадиған авлодлар тарбиясига масъулдир. Адабиёт ана шу масъулиятни бутун залвори билан ўз зиммасига олади. У ҳаётнинг ой-наси сифатида ҳар бир инсонга ўзини, маънавий кифёсини кўриш имконини беради. Бунинг натижасида икки томонлама таъсир пайдо бўлади. Асар муаллифи кўзда тутилган баъдий гоғлар образлар воситасида ўз ифодасини топса, уни ўқий жараёнида адибнинг дунёқараши воситасида яратилган янги баъдий олам китобхон томонидан идрок этилади. Иккинчидан, эса шу ҳаёт билан ўз тасаввурини қиёслайдди. Натижада ўз-ўзидан янги бир ҳулоса шақлланади. Албатта, ушбу вазиятда адибнинг

#### АДАБИЁТ — МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

#### Бокижон ТЎХЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор:

Адабиёт инсон маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган фанлар туркумига кирди. Аниқроғи, у инсоннинг тафаккури, дунёқараши, яшаш тарзи, қолаверса ўзи мансуб бўлган халқнинг урф-одатлари ва анъаналари билан бевосита боғланиб кетган онг кўринишидир. Шу боис ҳам биз адабиётда муайян халқнинг ўзли-

#### НАШР

Ҳақинда Баҳоддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг нашири бўлган «Нақшбандия» журнаlining иккинчи сони босмадан чиқди. Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, бу журналнинг 2008 йили таъсис этилиши маданий меросимизни ўраниши ва тарғиб этиши йўлидаги жиддий қадам бўлган эди.

## Маданий-маърифий меросимиз

ҳақида ҳикоя қилувчи журнал саҳифаларида

#### Акрам ДЕҲҚОНОВ, филология фанлари номзоди

Журнал бош муҳаррирининг «Нигоҳ» номли мақоласи билан очилган. Унда йил давомида мамлакатимизда бўлиб ўтган эътиборга лойиқ маданий анжуманлар синчковлик билан, юксак даражада таҳлил қилинган. Айниқса, август ойининг охири ва сентябрнинг бошларидаги қайноқ кунларда мамлакатимизда бўлиб ўтган иجتимоий-сиёсий ва маданий-маърифий воқеалар

ҳар ёрқин бўёқлар билан тасвирланган. Шунингдек, муаллиф Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзлаган нутқ ахамиятига ҳам батафсил тўхтаб ўтган.

Журналнинг ушбу сонидан Намиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул каби йирик адабиётшуносларнинг, Қувомиддин Муниров, Елезавета Некрасова, Шариф Болтаев каби тарихчи ва бошқа олимларнинг долзарб мавзулардаги мақолалари ўрин олган.

Тарих фанлари номзоди Елезавета Некрасованин «Баҳоддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси» мақоласида ушбу обиданин илк бор барпо этилишидан тортиб то 2003 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан тўлиқ қайта таъмирланишига бўлган тарихи қисқача ёритиб берилган.

«Амир Темур, тарих ва тарихчилар» мақоласида тарих фанлари номзоди Шариф Болтаев Амир Темурнинг тарих фанидан жуда яхши ҳабардор бўлганини ва ўша даврдаги бу соҳага оид энг эътиборли китоб-

бошлади. Қаҳрамон қилаётган ишга ўзида дахлдорлик туйғусини ҳис қилади. Қаҳрамоннинг эришган муваффақиятларидан қувонади, қийинчиликларга дуч келса у билан бирга ғам чекади. Мана шу кечинмалар боланинги икки оламидаги эврилишларга сабаб бўлади. Биринчи навбатда, у ўз олдига «Оламда нима яхши? Нима ёмон?» деган саволларни қўйиб, баъдий адабиётдан жавоб излайди...

нинг «Юксак маънавият - энгилмас куч» асариди келтирилган ушбу фикрлари ўз навбатида «Бизнинг миллий кино санъатимиз қандай бўлмоғи лозим? У ёшларимизнинг маънави юксак тарзда тарбия топишида қандай ўрин тутмоғи даркор?», деган саволларимизга ҳам жавоб бўла олади. Бугун биз оддий томошабин нуктаи назари билан қараганда ҳам миллий, четдан қараганда ҳақиқий ўзбекиона руҳини ўзида сингдира олган фильмлар яратишимиз жоиз деб ўйлайман. Яъни у бошқа бир ярим яланғочлик, беҳаёлик сингар жамийи ёмон иллатларни тарғиб қилаётган фильмларни ўзининг мазмунга бойлиги, ҳаётий воқеликларга тўғри назар билан қарайдиган, аниқроғи, қарата олиш қобилияти билан сиқиби чиқарсин...

Кўп такрорланган бўлса-да, яна сериалларга эътибор қаратмоқчиман. Айни пайтда Шарқона сериаллар томошабинларимиз томонидан илқ кутиб олинапти. Зеро, Шарқ халқларининг урф-одатлари бир-бириндан озикланган ҳолда шақланган. Уларнинг негизиди бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган инсонийлик фазилатлари жуда кўп. Энг муҳими, элимизнинг ўзлигига яқин одатлар сериалларда талқин этилганлиги учун ҳам улар эътиборни тортаяпти. Баъзан ана шундай фильм қаҳрамонлари ўрнига нафақат тарихимизда, балки дунё тарихига ҳам номи муҳурланиб қолган аждодларимиз сиймосини кўришни истаб қолсан, киши...

Бунга нима масъул? Албатта биз ижодкорлар... Баъзан, айримларимизнинг «Сиз айтаетган фильмлар кассабоп эмас. Қани томошабинларни унга жалб қилиб кўрингчи», деганини эшитиб қоламиз. Кеңирасизу, ижодкор молиявий аҳволни ҳисобга олиши даркор, бироқ бу дегани ким нимани кўришни истаса ўшага қараб асар ёзиши, фильм яратиши зарур, дегани эмас. Сиз зўрма зўраки, сунъий воқеликларга асосланган, бюуртомга учун яратилган асарлар тақдирини яхши биласиз. У бугун муваффақият қозониши мумкин, эртага эса кераксиз маҳсулотга айланади. Аслида, асар томошабинни эргаштира олиши лозим. Ижодкор доимо ўқувчи, томошабиндан бир қадам олдинга юриши талаб этилади.

Шу йили «Қалдирғочлар яна қайтади» кўп қисмли телевизион баъдий фильмига режиссёрлик қилдим. Шойим Бўтаев сценарийис асосида суратга олинган телевизион баъдий фильмини яратиш жараёнида ҳам юқоридиги мулоҳазаларни инобатга олдик, десам мулобага бўлмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Давлат санъат институти «Телевизион режиссёрлиги» кафедраси мудири сифатида фаолият юритаман. Кафедранимиз ўқитувчилари нафақат телевидение, балки кино режиссурасидан ҳам талабаларга тўлақонли билим беришга ҳаракат қилади. Айни пайтда замонавий техник воситалардан профессионал даражада фойдаланган оладиган мутахассислар тайёрлаш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Зеро, компьютер ва бошқа техник воситалардан фойдаланган олмайдиган мутахассислар дунёдаги мафкуравий рақобатда муваффақиятсизликка учраши мумкин.

**Ақобир САЙИДОВ, «Milliy tiklanish» муҳбири**

#### «ҚАЛДИРҒОЧЛАР ЯНА ҚАЙТАДИ»

#### Баҳодир АҲМЕДОВ, кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданий ходими:

«Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин ту олаётган бир вазиятда, барчамизга аёниқ, фикрга қарши фикр, гоғга қарши гоғ, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда». Президентимиз-

ларни кўп мутолаа қилганини ишончи манбалар асосида кўрсатиб берарди. Шунингдек, Амир Темурнинг ўз мамлакатига рўй бераётган воқеаларни ёзиб борадиган мутахассисларга алоҳида топшириқ бергани ҳам таъкидлаб ўтишимиз. Дарҳақиқат, Соҳибқироннинг мана шу савй-ҳаракатлари боис биз бугунги кунда Низомиддин Шомий ва Шарифиддин Али Яздийларнинг китобларидан ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларни бутун тафсилотлари билан билиб олиш имкониятига эгамиз.

Тарих фанлари номзоди Қувомиддин Муниров билан суҳбат «Туганмас мерос соҳибини» сарлавҳаси остида берилган. Бу мақолада жорий йилда таваллудининг икки юз йиллиги нишонланган беназир шоир ва таржимон, тарихнавис олим Муҳаммад Ризо Оғаҳий қаламига мансуб тарихий асарлар ва у таржима қилган тарих илмига оид китоблар хусусида сўз юртилади. Бу суҳбатда таниқли олим Қувомиддин Муниров Оғаҳий тарихий асарларидиға маълумотлар Хоразм тарихи билан шуғулланувчи кейинги тадқиқотчилар учун ҳам қимматли манбаа таърифасини ўтаганини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Таниқли адабиётшунос Намиддин Комиловнинг «Улки, оғаҳларнинг оғаҳдир...» мақоласидаги Оғаҳийнинг ҳаёт йўли, ижтимоий фазлияти ва унинг шеърий мероси ҳақида сўз боради. Унда шунингдек, улуғ шоирнинг шеърийлигини ривожига қўшган улкан ҳиссаси таъкидлаб ўтилган, шеърларидан намуналар гоёт нозик дид билан таҳлил қилинган.

Мир Араб мадрасаси мударрисини Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг «Тасаввуф-бори ахлоқдор...» мақоласида тасаввуфнинг инсониятни руҳий-маънавий поклатишга даъват этувчи гоғ экани таъкидланади. Муаллиф юртимиздан етишиб чиққан тасаввуфнинг улугъ намояндаларини ҳалол фикр билан кун кечирингда тарғиб қилганларини алоҳида айтиб ўтади. Айниқса, Хожа Баҳоддин Нақшбанднинг мутаассиблик ва жаҳолатга қарши курашгани, у зотнинг йўлига шарият асос бўлгани кўрсатиб берилган. Улуғ Хожанинг кароматни зоҳир этишдан қайтарганлари, балки фарз, вожиб ва суннатларни мукаммал адо этишга қақир-наларни таъкидлаб, муаллиф Ҳазрати Нақшбанднинг қўлидаги иб-

ратли байти билан ўз фикрини ибботлайди:

*Йўлга чиқдик чин ибодатни дея, Келмадик кашфу кароматни дея,*

Нақшбандия таълимотининг муносиб давомчиси, улугъ шоир Алишер Навоийнинг тасаввуф ҳақидаги беназир фикрларининг таҳлили ҳам эътиборга лойиқ. Навоий таърифида тасаввуф ва риё икки қарама-қарши кутбдир. Унинг наздида тасаввуф ва тақво бир варақнинг икки юзидир, лекин тақвога риё аралашган жойда тасаввуфга дахлдорлик қолмайди. Мақола муаллифи буюк маърифатпарвар шоирнинг риё ва тасаввуф ҳақидаги қарашларини таҳлил қилар экан, унинг куйидаги бетакрор мисралари билан фикрини далиллайди:

*Тасаввуф эмас зухду тақвою тоат, Ки анда риё йўл топар бетаввақуф... Эрур маҳз тақвою ва лекин риёсиз Убудият сарфу айни талаттуф.*

Журналдаги барча мақолалар долзарблик, ранг-баранглик, муайян мазунни ихчам ва етарли даражада ёрита олгани билан диққатга сазовор. Бу эса журнал жамоасининг заҳматли меҳнати ва зўр ташкилотчилик самарасидир.

**МУТОЛАА**

## Қалб сирлари

Адабиётимиз қаҳқашонида хотин-қизлардан етишиб чиққан, маданиятимиз, маънавиятимиз тарғибқилинган ижодкорларнинг алоҳида ўрни, хизмати бор.

#### Саиди УМИРОВ, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, публицист

Хотин-қиз ижодкорларнинг шеърий, насрий, драматик, публицистик асарларига хос алоҳида хусусият асрий удумларимиз, миллий урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимизни, муҳаббат, оила, садақат, уй-рўзгор, одоб, тарбия масалаларини яхши билишлари, аёл қалби тебранишларини теран ҳис қилишларида, қаламга, тасвирга олишида, оҳангга солишида яққол намоен бўлади.

Ахборот асрида, глобаллашув жараёнида публицистика янада олдинги марраларга чиқди. Бу соҳада хотин-қиз публицистларимиз ҳар қачонгидан фаоллик кўрсатишаётгани қувонарли. Уларнинг эфирдаги, экранидаги чиқишлари, газета ва журналлардаги мақола, очерк, интервьюлари фикримиз далилидир. Истиклол шукронаси, маънавият, маърифат, адабиёт, санъат, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, қадриятлар, урф-одатлар - хотин-қиз ижодкорлар публицистикасининг асосий мавзуси, мағзи, мундарижини ташкил қилади.

Иқбол Қўшаеванин «Сукунат тугёнлари» китобини ўқиб, адабиётимизга ёш, истеъдодли, билимли публицист кириб келаётганига амин бўлдик. Иқбол санъат оламини, санъаткорнинг ички дунёсини ўз олами орқали идрок этиш ва ўз қалби кўзгусида ифодалашга ҳаракат қилаётган умидди ижодкорлардан.

Ойбек ҳақида қанчадан-қанча китоб, тадқиқотлар ёзилган, яна қанчалари ёзилажақ. Иқбол «Ярланган қалб» мақоласида Ойбекка қилинган ноҳақ тўхтаб, бўҳтонлардан бениҳоя таъсирланади, адибнинг иродасига, таъқиқ-таъйиқларга, уюшма аъзолигидан чиқарилиб, ишдан кетказилганига, устма-уст маънавий зарбаларга, моддий қийинчиликларга қарамай ижодий ишга қаттиқ берилганига, ажибий роман ёзганига, сабр-бардошига лол-қоийл қолади.

«Маҳобхорат-одамзот кечмишининг ўлмас ҳақиқати», «Заковат шуъласи» мақолаларида Иқбол мунтақид-публицист сифатида ўзини намоен қила олган. Буюк ҳинд эпоси, Лев Толстой даҳоси ҳақида ёзиш осон нарса эмас, бунинг учун жиддий тайёргарлик, катта билим, ўткир эстетик дид керак. Иқбол «Маҳобхорат» таржимони Амир Файзуллога савол бериши билангина чекланмайди, шоҳ асар фазилатлари ҳақида тенгма-тенг суҳбатлашади.

«Юрагини мерос қолдирган инсон» «Спектакль олқиш учун қўйилмайди...», «Қуйда оғоҳлик мавжуд бўлса», «Саҳнадан кейинги саҳна», «Муҳаббат менинг кўзим бўлди», «Кумушга айланган маъсума», «Улғайиш изтироблари вақтнинг ҳукмида» мақолаларини ўқиб санъат ҳақида, санъаткорлар ҳақида бошқалар айтган гапларни такрорламаган ҳолда, қаҳрамонлари иходидан, шахсиятидан янги қирралар, рангин бўёқлар топа олиш имкони бор экан, деган фикрга борасан. Бу мақолалар бир эмас, бир неча учрашув, қайта-қайта мулоқотлар натижасида юзга келгани, муаллиф қаҳрамонлари билан она-бола, ота-бола, ака-сингил, опа-сингил бўлиб кетгани, ҳайратланган ёзгани учун ўқувчини ҳайратлантирганини ҳис қиласан.

Санъаткорлар ҳақидаги асарлар шаклан интервью жанрида битилган бўлса-да, улр айни чоғда портрет очеркнинг етук намуналаридир. Негаки, уларда қаҳрамонларнинг бетакрор тийнати, маънавий олами, руҳий кечинмалари ишонарли очиб берилган.

«Сукунат тугёнлари»ни ўқир экансиз, унда тилга олинган санъаткорларнинг ҳаётга, санъатга, ҳамжасбларга, одамларга муносабатида, берган баҳоларида муштараклик борлигини сезасиз. «Заковат шуъласи» мақоласини филологик, «Қалбнинг кудрати» мақоласини фалсафий трактатга қиёс қилса бўлади. Қисқа, мазмундор мақола, пишиқ трактат ёш муаллифининг адабиётдан, фалсафадан муайян билимга эга эканлигидан далолат беради.

Кўпни кўрган, тажрибали қаҳрамонларнинг пурмаъно, мардона сўзларидан таъсирланган, илҳомланган ёш журналист уларга ҳамоҳанг бўлишга, жиддий, фалсафий, уйчан фалсафий фикрлар изхор этишга интилган ва бунга муваффақ бўлган. «Сукунат тугёнлари» ҳақида фикр юритишимиздан мақсад адабиётимиз, публицистикамизга ёш, умидли истеъдод кириб келаётганини айтиш эди.

# ЖАРАЁН

## ХУҚУҚ ВА БУРЧ

### Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

#### Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган

*Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг жазони либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги чинакам демократик, инсонпарварликка асосланган фармонлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.*

**Маҳмуд АБДИЖАЛИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи**

Инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи макомга эга. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизими ташкил этилиши ҳуқуқий давлат қуришининг бош шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги тақлифларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Ўтказилган ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини белгиланган ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий макомига бир қатор ўзгаришлар киритилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини тақомиллаштириш биринчи даражада устувор вазифа сифатида белгиланди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди.

Ўзбекистонда 2008 йилдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бошқарма ва бўлимлар каби инсон ҳуқуқла-

ри бўйича миллий институтлар тизими яратилди ва улар фаол ишламоқда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айниқса сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизни халқораконунчиликнинг талабларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган даврда суд-ҳуқуқ тизимида рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилган ислоҳотлар том маънода оламшумул аҳамиятга эришилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатда тугал суд тизимини шакллантириш, кадрларни танлаш ва лавозимга тасвифа этишнинг демократик тамойилларини кучайтириш, судлар ва судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга йўналтирилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, суд ишларини юриштириш процессуал тартибни соддаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда миллий қонунчилигимизни халқораконунчиликнинг талабларига мослаштириш ва таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларга хизмат қилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклашини таъминламоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу босқичда бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.

Шу сабабли, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг пировард мақсади шахс учун эркин, қулай, фаровон ҳаёт шароити яратишга қаратилган. Мустақил мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки босқичида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва унинг конституциявий асослари яратилди, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва

бунинг учун адвокатура институти мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Бу босқичда амалга оширилган ислоҳотлар ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида судлар жазоловчи органдан қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланди. Иккинчи босқичда мамлакатимизда суд ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга жорий этилди. Ушбу босқичда концептуал аҳамиятга эга бўлган қатор ишлар амалга оширилди. Улар ичида энг муҳимларидан бири ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи органга айланди, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид талай ишлар амалга оширилди. Бу борада адлия органларига ҳам салмоқли вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан Конституция ва қонунлар билан мустақамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Бундан ташқари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги фармойишига асосан Адлия вазирлиги раҳбарлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши таъминлаш ишларини тақомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ фаолияти юритилмоқда.

Чунончи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи ҳуқуқий давлат барпо этиш назарияси ва амалиётининг муҳим масалаларидан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси талабларига, ҳусусан, унинг 8-моддасида белгиланган "Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга", деган қоидага тўла мувофиқ келади.



Муолажадан олдин беморлар жиддий кўриқдан ўтказилади.

*«Соғлигинг қадрини кетганда биласан», деб бежиз айтишмаган. Яшришининг ҳождати йўқ, баъзан уй-иш ташвишлари билан овора бўлиб, соғлигимизга бепарво бўламиз. Касаллик авжига чиққандагина шифокорга мурожаат қиламиз. Шунда билгим, моҳирлик фазилатларини ўзида мужжасам этган шифокор бизни дарддан халос этишга шай бўлиб туради.*

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**  
**«Milly tiklanish» мухбири**

Бундай инсонларни саломатлик фидойилари, деймиз. Ҳозирги кунда республикамизнинг турли бурчакларида бу шарафга муносиб шифокорларни қўлаб уchrатиш мумкин. Биз сўз юритмоқчи бўлган қахрамонимиз - Нукус шаҳрида жойлашган О.Холмуродов номидаги республика кўп тармоқли тиббиёт марказининг «Неврология ва ясама буйрак» бўлими мудири, олий тоифали шифокор Курбонбой Мамбетов ҳам шундай инсонлар сирасига кирсади.

Қ.Мамбетов Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ туманида таваллуд топан. Ёшлигидан илмга чанқок Курбонбой Мамбетов Нукус тиббиёт олийгоҳини имтиёзли диплом билан тугатди. Билим ва кўникмаларини янада ошириш, тиббиёт олами сирларини пухта эгаллаш завқи уни ўқиш ва ўрганишга етаклайди.

- Айни кунларда ўзининг «Орол худуди-

## ТИББИЙ ХИЗМАТ

### Саломатлик фидойилари

даги экологик шароитда акушерлик этиологиясининг ўткир буйрак етишмовчиликлари: муаммо ва уни бартараф этиш йўллари» мавзусида докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бораётган Қ.Мамбетов ўз касбининг устаси десак, музолага бўлмайди. Унинг бой ҳаётий тажрибаси кўлаб соҳа мутахассисларига сабоқ бўлса арзийди, - дейди мазкур марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Саламат Беғалиев.

Ҳозир у киши фаолият юритаётган неврология бўлимида беморларга намунали хизмат кўрсатишни бош мақсад қилган 4 нафар шифокор, 11 нафар ҳамшира баҳамжиҳат ишламоқда. Мазкур бўлим бир вақтининг ўзида 40 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур бўлимда даволанувчиларнинг ҳурматиға сазовор бўлган олий тоифали шифокорлар Одил Артиқов, Ўринбой Убайдуллаев ва Сайёра Кенжабаева томонидан республиканинг турли туман ва шаҳар даволаш масканларида зарур шўшлик ва маслаҳат ёрдамлари кўрсатилмоқда.

- «Соғлом авлод - соғлом миллат» шioriға амал қилиб келаётган марказимизда республика неврология даволаш муассасалари билан тажриба алмашиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган, - дейди Курбонбой Мамбетов. - Чунки бу ерда даволанаётган беморлар зарур ҳолатларда Тошкент шаҳридаги буйрак марказига гемодиализ, шу-

нингдек кўриқдан ўтиш мақсадида юборилмоқда. Шунингдек, мазкур марказ кўп йўналишли бўлиб, замонавий анжомлар билан таъминланган диагностика базасига эга. Жўмладан, ўткир гломерунефрит, сурункали гломерунефрит, ҳомилдор пайтидаги пиелонефрит, ўткир буйрак, сурункали буйрак етишмаслиги ва бошқа позологик диагноз билан боғлиқ жараёнлар Россия, Япония ва Германиядан келтирилган аппаратлар ёрдамида амалга оширилди.

Шунингдек, республика касалхонасида жойлашган маслаҳат поликлиникасида қабулга келганларни кўриқдан ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Масалан, бу ерда УЗИ, ЭКГ, Рентген, эндоскопия, лаборатория ва бошқа текширувлар ўтказилиб, таҳлил натижаларидан сўнггина муолажалар бошланади. Физioterapia даволаш усулларидан ҳам узлуксиз фойдаланилмоқда. Бошқача айтилганда, буларнинг барчаси олдимизга шифо излаб келган хасталарни тезроқ соғлом ҳаётга қайтаришда қўл келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош неврологи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аълочиси, олий тоифали шифокор Курбонбой Мамбетовнинг эзгу ишлари, айниқса, аҳолиға хизмат кўрсатишдаги самарали меҳнати юксак баҳоланиб, у Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, деган юксак унван ва вазирликнинг faxрий ёрлиғи билан тақдирланди.

## 2009 йил — «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»

### Қишлоқлар янада чирой очади

Сирдарё вилоятида 60 та уй-жой учун 2 миллиард сўмлик кредит ресурси ажратилди

*Юртимиз мустақилликка эришган биринчи кунларданок мамлакатимиз қишлоқ худудларида аҳоли турмуши даражасини янада юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Қишлоқларимизнинг уйлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар асосида барпо қилиш, қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури қабул қилинди ва унинг ижроси таъминланмоқда.*

Мамлакатимизнинг қишлоқ худудларида замонавий уй-жойларга бўлган талабнинг ўсиб бориши ҳисобга олинган ҳолда Юртбошимизнинг 2009 йил

3 августда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Боёвут тумани «Дехқонобод» кўрғонига 20 та, Сардоба тумани «Пахтаобод» туманида 20 та, Сирдарё тумани Собир Рахимов кўрғонига 20 та, жами 60 та замонавий қиёфага эга ва барча қулайликлар яратилган 4-5 хонали уйлар қурилиши режалаштирилди. Бунёдкорлик ишлари «Қишлоқ қурилиш лойиҳаси» МЧЖ лойиҳа-қидирув институти томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилади.

Яқинда Гулистон шаҳридаги «Алломиш» спорт саройида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг

худудий кўргазмаси ўтказилди. Ушбу кўргазмада «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Қишлоққурилишinvest» инжиниринг компанияси ва тижорат банкларининг худудий филиаллари, архитектура ва қурилиш ересурслари ва давлат кадастри вилоят бошқарма бўлимлари, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқлари, уй-жойларни тайёр ҳолда қурадиган пудрат ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари иштирок этдилар. Кўргазмада тадбир иштирокчиларига «Қишлоқ-қурилишлойиҳа» институти филиали томонидан маҳаллий иқлим шароитига мос, замонавий қиёфадаги 4-5 хонали ва икки қаватли уйларнинг намунавий лойиҳалари намойиш этилди. Тадбир иштирокчиларига «Гулистон гишт саноат», «Полимер-Бинокор» маъсулияти чекланган жамиятилари, «Янгиер шифер», «Жиззах пластрмасса», «Эта-

лон Сангзор», «Осиё барака Пласт», «Усмант гишт» корхоналари томонидан намойиш этилган қурилиш материаллари ва уй-жиҳозлари манзур бўлди.

- Кўргазмада намойиш этилган уй-жойлар лойиҳаси бизга жуда ёқди, - дейди кўргазма иштирокчиси Мирзаобод туманидаги Беруний маҳалласи оқсоқоли Амир Субонов. - Айниқса уй-жой қурилишида шўрроқка чидамли материаллар, полимер-қумли шиферлар бизда катта таассурот қолдирди.

- Намойиш этилган лойиҳаларда қишлоқ аҳолиси учун барча қулайликлар инобатга олинган, - дейди Боёвут туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли Ҳасан Зикриллаев. - Хонадонларда чорва моллари, парранда парваришlash учун зарур шарт-шароит яратилганлиги ҳам айтиш мумкин.

Сирдарё вилояти ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бўлими томонидан вилоятда 2009 йил давомида қуриладиган 60 та уй-жой биноси учун 2 миллиард сўм кредит ресурси ажратилди ва 2010 йил учун эса 11 миллиард 500 миллион сўм сармоя ажратилиш режалаштирилди. Ушбу маблаг ҳисобидан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бир-биридан чиройли, кўркам уй-жойлар қурилиб, қишлоқлар кўркіга янада кўрк қўшилади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
**«Milly tiklanish» мухбири**

## ФАОЛИЯТ

### Ҳамма нарса шу ерда тайёрланади

фермер хўжалиги томонидан жорий йилда 10 тонна човоқ балиқ етказиб берилди

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
**«Milly tiklanish» мухбири**

Халқимиз балиқни етти хазинанинг бири, дейиши бежиз эмас.

- Бу соҳага қизиқишимга укам сабабчи бўлган, - дейди Самарқанд туманидаги «Оқ Амур балиқлари» фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Халимов. - Унинг асл касби ошпаз бўлиб, балиқ гўштидан турли таомлар тайёрлашни хуш кўради. Шу сабабли, балиқчилик билан шуғулланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга қарор қилдик ва 2006 йил ўтказилган тендерда 12,6 гектар ботқоқ ер майдониде режамизни амалга ошириш имкониятини кўлга киритдик...

Балиқчиликни йўлга қўйиш фермер

учун осон кечмади. Олдинда ташландиқ ер майдонини ободонлаштириш масаласи турар эди. «Алтай», «СТО-130» тракторлари, бульдозерлар сотиб олинди. Дастлаб, битта прут, яъни кичик сув ҳавзасида балиқлар етиштириш билан иш бошланган бўлса, айтиш дамба улар сони 12 тага етган. Самарқанд вилоятидаги балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига човоқ балиқлар етказиб берилмоқда. Мутахассислар билан ҳамкорлик натижасида салмоқли йўтқарга эришилаётир. 2007 йилда 2 тонна, 2008 йилда 4, жорий йилда эса 10 тонна човоқ балиқ етказилганининг ўзиёқ фермер хўжалигининг йилдан-йилга салоҳияти кенгайиб бораётганидан далолат беради. Хўжаликда «Карп», «Оқ Амур», «Оқ

дўнг пешона» каби турли зотли човоқ балиқлари алоҳида эътибор билан парваришланаётганининг гувоҳи бўлдик.

**Илҳомжон Халимов, фермер хўжалиги аъзоси:**

- Шу пайтгача балиқ личейкаларини Чиноздан келтирардик. Айни пайтда инкубацион цех қуриш ишларини бошлаб юбордик. Бунинг натижаси ўлароқ, насиб қилса келгуси йилдан балиқ личейкаларини ўзимиз етиштира бошлаймиз. Бу эса сифати юқори, нархи арзон маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, вилоятимизда балиқ човоқларига бўлган талабни тўлиқ таъминлашга эришамиз...

Балиқчилик учун 12,2 гектар ер, богроғлар барпо қилиш мақсадида 13,3 гектар ер майдонини тендерда ютиб олинди. Фермер хўжалиги атрофида дам олиш уйлари, ҳаваскор овчилар учун дала уйлари ва бир қатор шарт-шароитларни ўзида жамлаган масканлар қурилаётгани диққатга sazovorдир. Балиқларни парваришlash учун Қаддам Жабборов, Комил Отамуродов ва бошқа мутахассисларнинг меҳнати кўлга киритилаётган муваффақиятлар омили бўлаяпти.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ШАРХ

Аслан САЛМАНОВ,  
тадқиқотчи

Шунинг учун бўлса керак, инсоният йиллар давомида ёнғинга қарши кураш воситаларини қидириши ва уни такомиллаштириши йўлида изланиб келмоқда. Аммо одамларнинг ээтиборсизлиги, ёшлар қўлига турли ёнғинларни келтириб чиқарувчи воситаларнинг тушиб қолиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши жойларда ўрмон ёнғинларини келтириб чиқармоқда.

Гарчи ҳозир сайёрамызда куз фасли ўз ўрнини қишга бўшатиб бераётган бўлса-да, жанубий минтақаларда кўплаб ўрмон ёнғинлари кузатишмоқда. Куни кеча Австралиянинг шимолий-шарқидagi бепоеён ўрмонзорларда кучли ёнғинлар содир бўлган. Олов микёси шу қадар юқори эдики, баъзи ҳолларда одамлар уйлари тарк этишга ҳам улгурма олган, ўнлаб фермерларнинг йил бўйи етиштирган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари буткул кунпая-кун бўлди. Бир неча кун давом этган ёнғинларни бартараф этиш учун 15 мингдан зиёд ўт ўчирувчилар, тиббиёт ходимлари жалб этилган. Хукумат офатдан азият чеккан аҳолига қарийб 8 миллион АКШ доллари миқдорда маблағ ажратишга қарор қилган.

Антарктикадан ташқари барча қитъалардаги ўрмонлар Ер шаридaги қуруқликнинг қарийб 32 фоизини эгаллайди. Яшил салтанат беқиёс табиий бойликларга эга-ёввойи ўсимликлар мевалари, доривор ўсимликларни айнан шу ерлардан топиш мумкин. Инсоният қадимдан ўрмон дарaxтларидан фойдаланиб келган. Ўрмон ресурсларининг қимматли маҳсулоти – бу санoат ва қурилишнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган, ўрмон дарaxтларини кесиб тайёрланадиган ёғочдир.

Олимларнинг қузатишларига кўра дунё бўйлаб содир бўлаётган ёнғинлар кўпгина ноёб дарaxтларнинг йўқолиб бoришига сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай, яқинда тадқиқотчилар томонидан олиб борилган экспедициялар жараёнида Тошкент вилояти Бўстонлик туманидан юз ёшли ёввойи нок дарaxти яхши сақланган ҳолда ўсаётгани аниқланган. Тадқиқотчилар мазкур дарaxт бир неча йиллар аввал фарбий Тянь-Шань тоғида айнан ёнғин оқибатида йўқолиб кетганини таъкидлашган. Ушбу нок дарaxти Ўзбекистон "Қизил китоби"га "Урта Осиё ноки" (*Pyrus asiae mediae*) номи билан киритилган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ёввойи нокнинг мевалари йирик, юқори ҳосилдор, замбруг касалликларига ва мева қуртларига чидамлилиги билан ажралаб туради. Ҳозирги вақтда бу дарaxт навини кўпайтириш чоралари қўрилмоқда. Тадқиқотчи олим Зафар Ҳакимовнинг айтишича, агар маданийлаштирилган ўсимликларни авлоди бўлган, ёввойи ўсимлик турлари сақланса, уларнинг генларидан фойдаланиб серхосил, қурғоқчиликка ва совуққа, зараркунанда-

## Ўрмон ёнғинлари

тилсиз ёв жаҳон ҳамжамиятини жиддий хавотирга солаётган муҳим масалалардан бирига айланган. Боисики, табиий офат ҳеч қачон вақт танламайди



ларга чидамли навларини етиштириш мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистон минтақасида 4500 турдаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар, 2000 турдан ортқ замбруг-қўзиқоринлар ҳисобга олинган. Улардан 400 га яқини камёб, эндемик ва реликт турларига мансуб бўлиб, уларни сақлашнинг самарали йўллари қидирмоқ лозим.

Бутунжаҳон ёнғин статистика маркази маълумотларига кўра, дунёда бир йилда ўртача 1,7 миллион маротаба ёнғин содир бўлади. Унинг аксариятини аҳолиси кўп ва ривожланган давлатлар ташкил этади. 2002-2006 йилларда йилга ёнғинлар сонини давлатлар ҳисобига тақсимлаганда Хитой 1-ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларда Хиндистон, АКШ, Россия, Филиппин, Германия давлатлари турган. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакат қанча кўп энергия ва ёқилғи истеъмол қилса, ёнғинлар ҳодисаси шунчалик кўп содир бўлади. Бунга мисол сифатида жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроги АКШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келаётганини айтиш мумкин. Биргина АКШ дунёдаги энг кўп ёнғинлар содир бўладиган мамлакатлар сирасига қиради. Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар тоифасига Буюк Британия, Россия, Хитой, Хиндистон, Голландияни ҳам қиратиш мумкин. Ҳозир айнан мазкур давлатларда содир бўлаётган ёнғинлар иқтисодийта жиддий зарар етказмоқда. Дунёдаги ёнғинларнинг асосий қисми айнан 20 та энг ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Яқинда Филиппин ва Вьетнамда 3 кун давом этган ёнғинлар оқибатида юзлаб аҳоли уй-жойсиз қолиб кетган. Маҳаллий полициячиларнинг сўзларига кўра, юздан зиёд одам дом-дараксиз йўқолган. Ёнғин икки

мингга яқин турар-жой биносини вайрон қилган, 4000 квадрат километр майдондаги ўрмоннинг кулини кўкка соворган. Мутахассислар ушбу ёнғинларни коинотдан ҳам қузатиш мумкинлигини айтишган. Филиппин шундоқ ҳам бир неча йиллардан буюн тўфонлардан азият чекиб келади. Ҳозирга келиб ҳукумат ҳам аҳолига зарур ёрдам беришда айрим муаммоларга дуч келмоқда. Бунинг оқибатида эса мамлакатда қашшоқлик тобора чуқурлашиб бораётди. Ёнғинлар эса оғир вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Ўтган 20 йилда ўрмон ёнғинлари 6 маротаба кўпайган бўлиб, унинг 80 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқлиги аниқланган. Хусусан, Россияда қасдан ўт қўйиш ҳодисалари барча ёнғинларнинг 7-8 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткич АКШ, Австралия, Швеция ва Янги Зеландияда 3 баробар ортган. Бундан ташқари ёнғинга асосан, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, электр ва газ асбобларидан ҳамда ишлаб чиқариш жихозларидан фойдаланишнинг қоида ва меъёрлари бузилиши, чекиш пайтида оловга эътиборсизлик бўлиш сабаб бўлмоқда.

Ёнғинлар қаерда содир бўлишидан қатъий назар пастки, юқори ва ер ости турларга бўлинади. Пастки ёнғинлар оқибатида ўрмонлардаги ҳазонлар, лишайниклар, майсазор, новда-бутуқлар йўқ бўлиб кетади.

**Бутунжаҳон ёнғин статистикаси маълумотларига қараганда, дунёнинг энг тараққий этган 20 та мамлакатида ёнғин талофатлари ва унга қарши кураш учун сарфланадиган харажатлар йилга ялти ички маҳсулотнинг тахминан 1 фоизини ташкил этади. Бу бутун дунё иқтисодий ти йилнинг 3-4 кунини фақат ёнғинларни бартараф этишга сарфлаётганини англатади.**

Ушбу ёнғинлар шамолга қараб тезлиги соатига 0,25-5 км.ни ташкил этади. Пастки ёнғинлар тез-тез ва доимий содир бўладиган хусусиятларга эга. Улар орасида энг хавфлиси юқори ўрмон ёнғинлари саналиб, тезлиги соатига 5-25 км.дан иборат. Одатда, улар пастки ёнғинлар ва шамолнинг тезкор ҳаракати натижасида ривожланади.

Ёнғинлар оқибатида атмосферага улкан миқдорда карбонат ангидрид, азот, бўғувчи газ ва оксид газлар, кул ва бошқа ифлослантурувчи моддалар билан тўйинган тўтун ажралаб чиқади. Қора тўтун билан қопланган хавфли ҳаво янги туғилаётган чақалоқлар ва ёш гўдаклар ҳаёти учун хавфлидир. Тўтуннинг таъсири оқибатида юракда туғма нуқсонлар ва нафас олиш йўллари-нинг касалланиши ўсиб боради.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир туп дарaxт 24 соат ичида 3 киши учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар ўрмонзор эса йилга 18 миллион куб метр атмосфера ҳавосини тозалаб беради. Бир туп саксовул эса 5 тоннагача кум зарраларини ушлаб қолса, бир гектар дарaxтзор ўртача ҳавога кўтарилаётган чангининг 72, олтингургурт газининг 60 фоизини тутиб қолади. Бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай беқиёс инъоми неча-неча асрлардан буюн инсониятга тоза ҳаво яратиб бермоқда. Аммо табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, бепарволик мувоозанатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз табиий-иқлим шароитига кўра, дунёнинг кам ўрмонли давлатлари сирасига қиради. Шунга қарамай, юртимиз тармоққа қаратилган жиддий эътибор туфайли яшилликка бурканмоқда. Ҳозир мамлакатимизда ўрмон хўжалигининг асосий қисми чўл минтақаларидан олиб борилмоқда. Хусусан, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш мақсадида денгизнинг қуриган қисмида ўрмон-мелиорация тадбирлари мунтазам амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда атроф-муҳит муҳофазаси, экология масалалари бутун жаҳон, хусусан, юртимиз фуқаролари олдига турган долзарб муаммолардан биридир. Асосий қонунимиз Конституциянинг 50-

моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари таъкидланган. Техника тараққиётининг жадал ривожланиши, шу билан бир қаторда табиий ресурслар захирасининг камайиб бораётгани, она табиатимизга бўлаётган айрим ноҳўя муносабатлар ҳар қандай инсонни эртанги кун тақдирига беварқ қолдирмайди. Ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни аниқлаган ҳолда миллий боғлар, қўриқхоналар каби миллий бойликларимизни асраб-авайлаш барчанинг муҳим вазифасидир.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Шахтада портлаш

Хитой шахтасида юз берган портлаш оқибатида 100 нафардан зиёд ишчи ҳалок бўлган.

Россия билан чегарада жойлашган Хэйлуңцзян провинциясидаги конда содир бўлган портлаш шу даражада кучли бўлганки, ҳатто 10 километр узоқликда истиқомат қилувчи аҳолига ҳам сезилган. Айни пайтда кутқарув хизмати шахтадан барча ишчиларни эвакуация қилмоқда. "Синьхуа" агентлиги хабарига кўра, мазкур ҳодиса мамлакат тарихидаги энг нохуш ҳолат сифатида баҳоланган. Эслатиб ўтамиз, 2007 йилнинг декабрь ойида Шаньси провинциясидаги шахталарнинг бирида юз берган портлаш 105 нафар кончининг ҳаётига зомин бўлган.

## Кўприклар текширилмоқда

Англиянинг шимолий-ғарбий қисмида юз берган табиий офат 6 та кўприкни вайрон қилган.

"The Guardian" газетасининг ёзишича, тинимсиз ёққан ёмғир оқибатида Кокер ва Дервент дарёлари ўзанидан тошиб 6 та кўприкни бутунлай яроқсиз ҳолатга келтирган. Айни пайтда табиий офат Англиянинг шимолий туманлари, Уэльс ва Шотландияга ҳам таъсир этмоқда. Сув тошқинидан, айнқиса, Қиролликнинг жанубий-ғарбий худудида жойлашган Девон графлиги кўп азият чеккан, қурбон бўлганлар ҳақида хабарлар ҳам бор. Қузатувчилар фикрича, бир неча кундан буюн давом этаётган табиий офат яна 16та кўприк ва 25та йўлларга зиён етказиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, вақтинча йўл қўйилган. Ҳозир муҳандислар Англиянинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган 1800 та кўприк ҳамда йўлларни текшириб кўришмоқда.

## Айблов эълон қилинди

Бундан бир ҳафта олдин Францияда терроризмда гумон қилиниб, ҳибсга олинганларга нисбатан айблов эълон қилинди.

Энг оғир жазо Франция худудида террорчилик хуружларини уюштирмоқчи бўлган 21 ёшли ўспиринга нисбатан эълон қилинган. France-Presse хабарига кўра, у ва ҳамтовоқлари 2008 йил июнидан 2009 йил 17 ноябргача бир неча жойда портлаш содир этишни мўлжаллашган. Жазога тортинганлар қаторига яна 3 нафар шахс борлиги айтилмоқда. Ўтган ҳафта Лион полицияси томонидан ўтказилган тезкор операциялар пайтида жами 5 нафар одам террорчиликда гумон қилиниб қўлга олинган. Фақат бир киши озодликка чиқарилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

1992 йил 19 сентябрда икки альпинист Зимелиуан музликдаги Этци водийсидан музлаган одам жасадини топишади. Олдинга улар бирон бир саёҳатчи-альпинист бўлса керак, деб ўйлашган. Бироқ, кейинчалик, у Альп тоғларида эрамиздан 5 минг йил аввал яшаган одам жасади бўлиб чиқади. Олимлар унга «Этци» деб ном беришган. Ушанда бу топилма дунё бўйлаб катта шов-шуга сабаб бўлган эди. Негаки, номаълум инсон танаси худди мўмиёлангандек асрлар оша яхши сақланиб қолган эди.

Ушанда олимлар қисқагина маълумот бериш билангина чекланишган. Орадан йиллар ўтиб олимлар бу ҳақда янада қизиқарли маълумотларга эга бўлишди. Ҳарбий Европанинг ўзига хос иқлими туфайли у ерда суяк ва тошдан бошқа нарсасиз мудат сақланмайди. Бироқ, Этци бу борадаги барча рекордлардан устун келиб, нафақат танаси, балки ўша даврда ёнида нимаики нарсаси бўлса ҳаммаси яхши сақланиб қолган. Дарвоқе, музлик аста-секин эриган бўлсада, лекин жасад ва буюмлар ўзининг асл ҳолатини йўқотмаган.

Олимлар, аввалига Этци Италия ва Австрия чегарасидаги тоғдан топилганлиги учун у ким-кечлиги масаласида би-роқ тортишишган. Кейин келишиб жасадни Италиянинг Майнц шаҳридаги Роман-герман музейига топширишади. Сўнги маълумотларга қараганда, Этцининг бўйи унчалик ҳам баланд эмас, тахминан 46 ёшда, кўзлари кўк, сочлари жингалак, кулоғида эса тошдан ясалган тақинчоқ, бўйнида туморча бўлган. Унинг ёнидаги ҳайвон терисидан тикилган халтачадан қайроқтош, ўсимликдан ясалган тўр, бўғу шохи, 2-3 донга бўғдой, икки донга қўзиқорин топилган. Қарангки, ушбу қўзи-

# Кутилмаган меҳмон

ёки беш минг йил муз қаърида ётган Этци ҳақида



қорин ҳам антибиотик ҳам С дармондори ўрнини боса оларкан. Демак, ўша даврда одамлар ўз соғлиқларига жиддий аҳамият беришган ва табиат инъомларидан унумли фойдалана билишган. Олимлар аввалга Этцини очликдан, совуқ қотиб ҳалок бўлган, деб ўйлаш-

жангда яраланиб, қоядан қулаган, деган хулосага келишди. Олимлар махсус қурилма ёрдамида унинг ошқозон ва ичакларини ҳам текширишган. Айтишларича, Этци саёҳатга баҳор фаслида чиққан ҳамда ўлимидан олдин эчки гўшти ва янги сабзавот истеъмол қилган. Шунингдек, унинг тишларида қариз изи умуман йўқлиги, қон таркибида эса кўп миқдорда холестерин борлиги аниқланган. Айрим олимлар Этцининг бош миясининг катталиги туфайли уни қадимги неондерталлар ажодди деса, айримлар, қурол-яроғи тошдан бўлса тош асрида, мисдан бўлса мис асрида яшаган бўлади, дейишмоқда. Бироқ, Этцининг қайси асрга таалуқлилигини билиш ҳозирча анча қийин кечмоқда. Негаки, унинг ёнидан ҳам мис асри, ҳам тош асрига таалуқли қурол-яроғлар топилган.

Олимлар мўмиё таркибидаги минерал моддаларни текшириб, Этцининг ёшнни аниқлашмоқда. Ҳа, дарҳақиқат, у 5000 минг йил муқаддам муз қаърида қолиб

кетган дейишга олимларнинг далиллари етарли.

- Афсуски, тадқиқотда биринчи хулосаларимиз ўзини оқламади, текширишларни қайта-қайта давом эттириш ўринли, деб ўйламан, - дейди Инсбург университети бош анатоми ҳамда Этци танасига жавобгарлиқни ўз бўйига олган профессор Вүрнер Платцер. — Масалан, қадимги сайёҳнинг сочидан топишган кўп миқдордаги металл қуқуни ҳисобига у мис уста бўлган, деган эдик, бироқ унинг организмда қуқун умуман аниқланмаганлиги боис хулосамиз ўз тасдиғини топмади. Махсус қурилма йўқлиги боис, организмнинг бошқа ерларини аниқ текширилмаган эдик. Мана, энди бир немис ва америка фирмаси митти қурилма яратишди. Унинг ёрдамида Этцининг дағал терисига шикаст етказмай ички органларини кўриш имконияти вуқудга келди.

— Кўз олдимизда турган бу қадимги одами ҳеч ҳам уринтирмаслигимиз лозим. Чунки, биздан бошқа яна қанчадан-қанча шифокорлар анатом ва биологлар уни ўрганишга, бўлак-бўлак ажратишга тайёр туришибди, - дейди радиолог-профессор Дитер Цур Недден. Дитер Европада илк бор компьютер томографиясини йўлга қўйган. У Этцини ҳам томогра-

фиядан ўтказган ҳамда унинг бус-бутун сақланишида жавобгарлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда Дитер махсус реннограмма йўли билан бир қанча маълумотларга эга бўлди. «Биз муз одам танасини ўрганамиз, деб инсон саломатлигига нафи тегадиган бир қанча фойдали қурилмаларни кашф қилдик. Бунинг учун биз Этцига раҳмат дейишимиз ўринли деб ўйлайман. Масалан, ҳозирда Инсбург клиникасида иккита бурунли болани жарроҳлик операциясига тайёрлашмоқда. Пластик жарроҳликда эришилган маҳорати-нинг шу болага нафи тегиб, оддий инсон қиёфасига келтиролсак ўзимни ниҳоятда бахтир ҳис этардим», - дейди профессор Ханс Андерль. - Унинг янги усули шунчалик қулайки, қайта-қайта жарроҳлик операцияси ўтказмайди, балки, мижознинг умумий ўлчамлари олдидан лойихалаштирилади ва унинг экрандаги кўринишига қараб тайёрлай олади. Дарҳақиқат, Этци сабаб бўлиб, тиббиётга бир қанча янгиликлар киритилди. Энг охириги кашф этилган усул: компьютер томографияси ўта кучли профессор ёрдамида ички орган экранга бир зумда кўрсатиб беради. Бугунги кунда кутилмаган меҳмонни ана шу усулда ўрганишмоқда.

# КЎЗГУ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

## Кулоллар

Анджонда кулол Юнусовлар сулоласи ота-боболар аънаналарини давом эттирмоқдалар

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг маданий соҳалар билан бир қаторда санъатнинг барча турлари ҳам юксак даражада ривожланди. Жумладан, халқ амалий санъатининг барча турлари жуда кенг тараққий этиб, маданий ҳаётда муҳим ўрин эгаллади. "Устоз-Шогирд" дастури асосида етук кадрлар тайёрлаш, уларга шарт-шароитлар яратиш, миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилиб олинди. Кўплаб йирик санъат марказлари барпо этилиб, катта ва кичик устахоналар қайта таъмирланди. Энг асосийси барча ижодкорлар учун эркин ижод қилиш имконияти берилди.



Ўзбекистон Халқ амалий санъатининг хоҳ ганчкорлик, хоҳ ёғоч ўймакорлиги ёки кандорлик бўлсин уларда нафосат, гўзаллик, ранг-баранглик ва ҳақиқий меҳнатга таянган чўқур ижодий иқтидор уфуриб туради. Шундай нозик, нафис ва жилвадор санъат турларидан бири бўлган кулолчилик санъати ҳам чексиз қобилият ва чин меҳнат талаб қилади. Маълумки, кулолчилик санъатининг турли жой мактаблари ва ўзига хос услублари мавжуд бўлиб, айниқса, Фарғона, Анджон, Тошкент вилоятларида кенг ривожланган.

Анджон кулолчилик санъатининг қадимдан то ҳозиргача бўлган ривожини А.Юнусовлар сулоласида ҳам аънавий тарзда сақлаиб, давом этиб келаётган. Анджон кулолчилик санъатининг 15-авлоди сифатида ижод қилиб келаётган ушбу сулолада кулолчиликнинг бир-бирига ўхшамаган қирраларини

кузатиш мумкин. Миллатимиз кадрияти, миллий урф-одатлари, аънаналарини ўзида акс эттирган Ўзбекистон халқ амалий санъатининг дурдоналаридан саналган Анджон кулолчилик мактабининг йирик вакили сифатида А.Юнусов ижоди муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда эса уста-кулолнинг давомчиси сифатида Мирзабахром Абдуваҳобов ва унинг ўғиллари Анджон кулолчилик санъатининг барча аънаналарини сақлаб қолган ҳолда давом эттириб келмоқда. Уста-кулол М.Абдуваҳобов ҳозирги замон Анджон кулоллари ичида ўзига хос бадийий услуби, ота-боболари аъна-на-сига садоқати ва ижодий муносабати ҳамда изланувчанлиги билан ажралиб туради. Мирзабахром Абдуваҳобов жуда қадимдан бошлаб бир неча авлодлар томонидан бойитиб, ривожлантирилиб келаётган ҳамда бизгача маълум Отакул кулол,

Раҳмон кулол, ака-ука Абдусаммад ва Абдуваҳоб кулоллар сулоласи санъатининг тараққий-тига муносиб ҳисса қўша олган устодир. Бундан ташқари Юнус кулол ва Абдуваҳоб кулолларнинг шоқоса ҳамда порум товоқлари республика ва турли жойларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш қилинган бўлса, Мирзабахром Абдуваҳобов кулол эса ўзининг бетакрор турли бадийий буюмлари билан бир неча чет эл кўргазмаларида қатнашиб, сулола номини жаҳонга танитди.

Ҳозирги кунда вилоят "Хунарманд" уюшмаси қошида ижодини давом эттирмоқда ва тахсимчаларидан иборат аънавий шаклдаги ранг-баранг асарлари кўплаб санъат кўргазмаларида намойиш этилган ҳамда фахрли ўринларни қўлга киритган. Уста-кулол халқ учун суоқли бўлган ва қадимдан кенг тарқалган ишқорли кулоллик буюмларини жуда кўплаб турларини яратган. Мирзабахром Абдуваҳобов асарларига асриқ ва кизгиш жи-гарранг тусланувчи ранглар уй-ғулигида битилган нақшлар ҳам ҳосил. Уста-кулол буюмларидаги бетакрор ва ўзига хос "белбоғи", "телбарғи", "анор", "қовун четан", "лола", "бинафша", "япрок", "нарзана" каби ўнлаб нақшлар нусхасини бошқа кулоллик мактабларининг ҳеч бирида учратмаймиз.

Уста-кулол Мирзабахром Абдуваҳобов аждодлардан мерос бўлиб келаётган миллий аъна-наларга таянган ҳолда ўзининг ижодий фаолиятини давом эттириб келмоқда. Устанинг асарлари ёрқин рангларга тўйинган, зарҳал нафис нақш гуллари билан сайқалланган нодир санъат асарларидир. Улардаги турли хил шакллар-геометрик, ўсимликсимон мотивлар, эпиграфик ёзувлар ўзига хос жипо ва мазмунга эга. Кичик махсус таг асо-сига қўйилган лаганларда яшил, сарик, кизгиш ва бошқа буюм-ларидида тўқ кўк, ҳаво ранг, оқ, оч қизил ранглардан моҳирона фойдаланган. Йирик ҳажмдаги лаганларда нақшларнинг гилам

гулларидек марказ ўқидан ёйилиб, бир вақтнинг ўзида ҳам нақш, ҳам шакл, ҳам ёзув, ҳам рамзлар сифатида намоён бўлиши ҳамда иссиқ ва совуқ рангларнинг ўзаро уйғунлашуви эътиборга моликдир. Ҳар хил мураккаб шаклларга эга гулдонлар, хумдонлар, кўза ва хумчалар уста-кулолнинг фантазияси билан бойитилган. Уста-кулолнинг кичик ҳажмдан бошлаб то йирик ҳажмгача бўлган асарларига назар солсак, уларда лойга яширилган кулолчилик сири намоён бўлади.



Ҳозирги кунда Мирзабахром Абдуваҳобовнинг аънава ва услубларини сақлаб қолган ҳолда янгича замонавий йўналишда ижод қилаётган, Анджон кулолчилик мактабининг аънаваларини давом эттириб келаётган ёш кулоллардан бири уста-кулолнинг ўғли Улуғбек Абдуваҳобовдир.

Улуғбек Абдуваҳобовнинг маҳобатли кулолчилик асарлари миллий, аънаваларга таянган ҳолда янгича замонавий услубда яратилган. Унинг асарлари замонида фалсафий рамзлар, оила ришталари, ҳаёт фалсафасига йўғрилган лирик қиёфалар ифодланади.

Ёш кулол "Шаршара" номи билан танилган керамик асарини сувнинг рамзи сифатида турли катта-кичик кўзалардан қиёсий маънода шаршара манзарасини яратган. Ундаги тўқ ва оч ранглар нур ва соя ўйинларидек, кўзаларнинг бир-бирига мос равишда жойлашуви эса сув тўқинлари каби ифодаланган. Фоннинг маълум қисмида яшил ва сарик ранглар уйғунлигида ишланган нафис барглар гўёки сув ва илк яшил барглар ҳаётнинг илк нишонаси деган маънони англатади.

Кулолнинг "Оила" асари йирик бир бутунлиқда ишланган бўлиб, унинг композицион ечимини фалсафий рамзлар орқали тасвирланган. Оиланинг асосий аъзоси ҳисобланган аёл ва эркак қиёфасининг нозиклик билан акс этиши ўзаро ишқ-муҳаббат, садоқат ва чексиз ҳурматнинг ёрқин рамзи сифатида ифодланади. Асар марказидаги умр дарахтининг чархпалак сингари айланishi ҳаёт фалсафасини илгари сурган ва дарахтларнинг меваси бўлган "анор"лар, "оила", серфарзандлик рамзи сифатида чархпалакни ҳаёт измида айлантирмоқда. Асарнинг пастки қисми-

да "бахт" рамзи бўлган Хумо кушининг тасвири акс этирилган. Асардаги аёл образи, унинг миллий нақшлар билан безалган либоси чин ўзбек аёлига хос бўлган ибод-ҳаё, гўзаллик, нафосат, шарқона ифбат ва орасталик қирраларини намоён қилган. Тун ва дўппида ўтирган эркак образи эса мард, жасур ва бир сўли йигит қиёфасида шаклланган.

Улуғбек Абдуваҳобовнинг энг таниқли маҳобатли асарларидан яна бири "Ҳаёт чархпалаги" деб номланади. Асар мазмунини ҳаёт фалсафаси ва рамзий белгилар тўдириб туради. Унинг композицион ечимини чархпалак чархи асосида намоён бўлиб, теран фикр ва турлича дунёқарашларга асосланган таҳлиллар билан яқунланади. Асар инсон ҳаётига таққосланган бўлиб, асарнинг марказий ўқи бу инсоннинг умр тугмаси, унинг атрофидаги 4 қисм — баҳор, ёз, куз, қиш рамзий маънода инсоннинг тўрт даврига ёки шу фаслларда инсон умри чархпалак чархидеб айланади, шиддат билан ўтиб кетишига қиёсланади.

Кулол Улуғбек Абдуваҳобовнинг шунга ўхшаш кўплаб асарлари томошабинини онгига ва руҳига таъсир қилади, инсонни кулолчилик санъатининг гўзал оламига етаклайди. Уста-кулол А.Юнусов сулоласининг давомчилари яратган бу каби гўзал кулолчилик асарлари бўлажак кулоллар учун ҳам санъат, ҳам ҳунар, ҳам аждодлардан мерос бўлиб қолган аънаваларни ўзида ифода этган нодир асарлар бўлиб хизмат қилади ва келажакда кўплаб моҳир усталарни етиштириб чиқарувчи масканга айланса, ажаб эмас!

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**  
**«Milliy tiklanish»**  
**мухбири**

### ЎТИТ

Нафс ул — ўткир тикандир, тигдайин, Санчилур қаттиқ, қутулмоғнинг қийин.

Сен кўнгул бўстониға қўйил қадам, Бошқа жойда сенга юз очгай ситам.

Жалолдин РЎМИЙ

### БИЛАСИЗМИ?

Бали ва Ломбок ороллари орасидаги масофа атиги 341 метр келади. Бироқ ороллар ўзаро қанчалик яқин бўлмасин улардаги ҳайвон, балиқ, ҳатто кушлар бир-бирдан кескин фарқ қилади. Олимларнинг фикрича ушбу ороллар фаунасининг фарқи Англия ва Япониядаги тафовутдан ҳам катта экан. Уоллес номи олим 1892 йили Бали ва Ломбок ороллари фаунасининг чегарасини аниқлаган. Олимлар унинг шарафига бу чегарани «Уоллес чизиғи», деб аташган.


Сиракуз қоясида одам қулоғига ўхшаш қоя осилиб туради. Уни «Дионисия қулоғи» деб аташади. Айтишларича, у ердаги акс-садо шунчалар баланд рўй берарканки, ҳатто оддий қоғознинг парчаланиши пушқадан отилган ўқдек эшитиларкан.

### ТУРФА ОЛАМ

#### Келажак суперкомпьютери

Хитойнинг Технология миллий университети мамлакатда энг биринчи суперкомпьютерни яратганини эълон қилди.

«Сомон йўли» деб аталган бу тизим халқаро рейтингда беш юзта энг кучли суперкомпьютерлар орасида тўртинчи қаторни эгаллаган. «Сомон йўли» тизими Intel ва AMD ишлаб чиқарган 11 мингта микропроцессордан иборат бўлиб, унинг қурилишига камиди 600 юан (тахминан 80 млн. АКШ доллари) сарфланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу суперкомпьютердан аэрокосмик учувчи қурилмаларни лойиҳалаштиришда, сейсмографларнинг маълумотини қайта ишлаш ҳамда биотибиётда фойдаланилади. Келажакда суперкомпьютер муаллифлари «Сомон йўли»га машхур Loongson ва Godson процессорларини ҳам жойлашни мўлжаллашмоқда.



#### Янги детектор

Британияда террористларни тез ва осон аниқлашнинг янги усулини ўйлаб топилди.

Мутахассисларнинг таъриф беришича, инсон қўрқанида ёки нимаданир ҳаяжонланганда организм ўзгача тер ва хид ишлаб чиқараркан. Британиялик олимлар ана шу хидни аниқлай оладиган аjoyиб детекторни яратилган. Тўғрироғи, ҳозирча тадқиқотчилар детекторни синовдан ўтказишмоқда. Уларнинг фикрича, яқин 2-3 йил орасида ушбу қурилма амалда қўлланила бошланади.



#### Қадимги муҳр

Австралиялик археологлар Мисрдаи қадимги муҳрнинг топилган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ушбу муҳр Бобил салтанатининг эраиздан аввалги II асрига тааллуқли бўлиб, у бобилликларнинг гиксослар қабиласи билан ўзаро муносабатда бўлганидан дарак бераркан. Археологлар муҳрни Нил дарёсининг жанубий қисми қадимги Аварис шаҳри худудидан аниқлашган. Тарихчиларнинг таъкидлашича, ўша даврда (эраиздан аввалги 1530-1640 йилларда) гиксослар қабиласи Мисрни босиб олиб, Аварис шаҳрини ўзининг пойтахти деб эълон қилган экан.



#### GTIA ассоциациясининг эълони

Йирик уяли алоқа операторлари ҳамда уяли мобил телефонларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган GTIA ассоциацияси, бундан кейин ягона стандарт бўлимини таъинлашни эълон қилган.

Энди GTIA иштирокчилари мобил аппарат гарнитурини учун 3,5 миллиметрли бўлимма ҳамда бошқа қурилмаларга боғлашни учун micro-USBдан фойдаланишади. 2012 йилнинг январь ойидан билаб кўччилик симсиз қурилмаларнинг янги бўлимма бўйича ишлаши кўзда тутилмоқда.

**Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА**  
тайёрлади



### ФЕСТИВАЛЬ

#### Озод юртнинг ёш истеъдодлари

"Истиқлол" саройида "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Қамалак" болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда фестивалнинг якуний босқичи иштирокчилари, уларнинг ота-оналари, устозлари, мусиқа ва санъат йўналишидаги мактабларнинг ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, жамғарманинг турли лойиҳаларида, танловларида совриндор бўлган ёшлар, халқаро ташкилотлар ва юртимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Айтиш керакки, мазкур фестиваль бетакрор, ранг-баранг концертлар, бадий кўргазмалар, тақдирот маросимларига бойлиги ва санъатнинг сеҳрли, мафтункор дунёсига ошно бўлган мурғак қалб эгаларини тўплаганлиги билан ҳам эътиборлидир. Республикаимиз бўйлаб, истеъдодли янги номларни кашф этаётган мазкур фестиваль уларнинг ижодини республика ва халқаро миқёсда танитишга хизмат қилмоқда. Ижодий беллашувнинг бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган йигирма мингга яқин ўғил-қиз мумтоз мусиқа, хонандалик, мусиқа чолғулари ижрочилиги,

таъсирли ва амалий санъат, бадий ижод йўналишида ўз маҳоратларини намойиш этди.

— Ушбу фестивалда иштирок этганидан жуда хурсандман, дейди фарғоналик аънавий ижрочилик йўналиши лауреати Улуғбек Элмуродов. — Мазкур санъат байрами хотирамда бир умр сақланиб қолади. Фестиваль сабаб устозлар, таниқли санъаткорлар, моҳир мусавирларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлдим. Санъатга меҳри баланд дўстлар орттирдим.

Дарҳақиқат, фестиваль истеъдод соҳибларига нечоғли бой, улар ҳаммиса давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида эканлигини яна бир бор намоён этди.

Тадбирда "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фестивали голибларига дипломлар топширилди. Фестиваль совриндорлари ва санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, жажонга машхур хонанда Сезария Эворанинг иштирок этганиги тадбирнинг эсда қоларли ҳодисасига айланди. **"Туркистон-пресс"**

**ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХНИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрь кундаги 626-Ф сонли фармойишига асосан Республикаимиз ҳудудига 23 ноябрдан 23 декабргача **ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ** ўтказилади.  
Ёшларнинг ҳаётини яқинроқ қўриқиб олиш, давлат ва шахсий мал-мулкни ҳимоя қилишда аънавий ва замонавий қўриқувчи қўшунлар ҳамда аънавий асраб қўриқувчи бўлиши.

VATAN TUUG'USI HAR HARSADAN O'STUN  
**MILLIY TIKLANISH**  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ  
ҲОМИЙ:  
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЕЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ  
Бош муҳаррир:  
Жалолдин САФОВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланishi мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарлиқни ўз буйнига олмайд.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г-1023, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Ақбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Исमत ХУДОЕВ  
Навбатчи:  
Ақобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: г «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30.